


УСМОНЖОН ОБИДОВ

# ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА АЛЛОМАЛАРИМИЗ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ

География фанлари номзоди, доцент **Усмонжон ОБИДОВ** 1941 йили Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида тугилган. У 80-йиллардан буюн Фарғона водийси табиатини географик ўрганиш тарихи (ар. ав. ва эрамининг XX асри) мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Доцент **У.Обидов** Ўзбекистон география жамиятининг ҳақиқий аъзоси, 30 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Унинг олий ўқув юртлири талабалари учун **“Тарихий география”, “Шаҳрлар географияси”** ва **“Мақтаб ўлкашунослиги”** каби услубий қўлланмалари чоп этилган.



“ФАРҒОНА”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНЖОН ОБИДОВ

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА  
АЛЛОМАЛАРИМИЗ  
МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ

Фарғона – 2007



Масъуд муҳаррир:

Ю. Султонов

Тақризчи:

А.М. Очидлов

Фаргона давлат университети Илмий кенгашининг  
2007 йил 30 март 8-сонли йиғилиши қарори билан  
нашрга тавсия этилган.

Обидов, У.  
**ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА АЛЛОМАЛАРИМИЗ МЕРО-  
СИНИ ЎРГАНИШ. Услубий қўлланма**  
«ФАРҒОНА» нашриёти, 2007 йил – 104 б.

Масъудми, Хоразм «Масъуд Академияси»нинг 1000  
йиллигини нишонлаш куни (2006 йил 2 ноябр) Президентимиз  
И.А.Каримов ўз нутқида алломаларимиз ҳаёти ва илмий  
меросини ўрганиши, бунинг учун дарслик ва қўлланмалар яратиши  
ҳамда ўқув юртимизда факультатив дарслар ташкил қилишини  
айтиб ўтган эди.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу рисолада VIII-  
XIX асрларда Турон заминиде туғилиб ўсган, шу ерларда хизмат  
қилган ёки тақдир тақозоси билан бонғқа мамлакатларга кетиб,  
у ерларда ҳам жаҳон фани, кишилик маданиятига катта ҳисса  
қўнган, бунмас ёдгорликлар яратган, хусусан география,  
картография соҳасида ёрқин из қолдирган астандонтларимизнинг  
ҳаёти ва илмий мероси ҳақида қисқача маълумотлар беришга  
ҳаракат қилинган.

©«ФАРҒОНА» нашриёти – 2007

## КИРИШ

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ  
жамиятимиз ривожланиши жараёнида халқимиз хар  
томонлама ўсди, улгайди, чиникди. Маданий мероста,  
миллий санъатга ва тилга бўлган талаб хар томонлама  
ошиб бормоқда. Қадриятларимиз дурдоналарини  
ўрганиб, уни бугун ва эртанги кунимиз учун хизмат  
қилдиришдек олийжаноб иш янги босқичга  
кўтарилмоқда. Эндилқда биз миллий  
қадриятларимизни рўёбга чиқариш учун курашининг  
кенг кўламли даврига ўтдик. Бундай шароитда  
халқимизга, айниқса ёшларимизга миллий  
маданиятимиз тараққиётини тўғри тушунтириш  
муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда Президентимиз  
Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси биринчи сессияси биринчи мажлисида (2000  
йил 22 январ) файласуфлар, тарихчилар, олимларга  
қарата айтган тарғибот ишлари муҳим эканлигини  
Хоразм Масъуд академиясининг 1000 йиллиги  
таваллуудида сўзлаган нутқида ўқув юрларарида  
факультатив курслар ташкил қилиб,  
алломаларимизнинг илмий меросини ўрганиш  
зарурлигини айтиб ўтди. Юқоридаги фикрлардан  
келиб чиқиб, масъуд рисолага қўл урадик.

Илмий мероста мурожаат қилар эканмиз, дунё  
фанида ўлмас из қолдирган вағандошимиз Муҳаммад  
Мусо Хоразмий (VII-IX асрлар), Аҳмад Фарғоний (IX аср  
бошлари), Абу Райҳон Беруний (XI аср), Махму

Қошарий (IX аср), Хофизий Абру, Мирзо Улугбек, Али Қушчи (XV аср), Захриддин Мухаммад Бобир, Гулбаданбегим, Мухаммад Хайдар Мирзо, Хофиз Таниш Бухорий (XVI аср), Абдулғозихон (XVII аср), Аҳмад Дониш, Ҳокимхон Тўра (XIX аср боши) илмий меросларнинг ёшларимизга ҳали маълум бўлмаган жиҳатларини ёритиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Мазкур рисоланинг мақсади ўрта мактаб, лицей, бизнес мактаблари география ўқитувчиларига дарсларда, дарсадан ташқари ишларида буюк алломаларимиз илмий меросини кенг тарғибот қилиш, ёш авлодни маънавий-маърифий тарбия ишларида қўмақлаштишни назарда тутати.

Рисоладан кадриятларимиз, ватанимиз ва маданиятимиз тарихи билан қизиқувчи ўқувчилар ўзлари учун фойдали нарсаларни топадилар деган умиддамиз.

Рисолани ёзишда ўз маслаҳатларини берган Фарғона давлат университети география кафедраси олимларига, вилоят халқ таълими бўлими ходимлари, Аҳмад Фарғоний жамғармаси, Фарғона малака ошириш институти мутахассисларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Айниқса, марҳум, профессор тарихи-географлар Х.Ҳасанов, Р.Раҳимбековлар ишimizга ғойибона маслаҳатлўй ва раҳнамо бўлганили, уларнинг асарларидан фойдаланганимиз учун уларнинг руҳига алоҳида таъзим қиламыз.



## МУҲАММАД ХОРАЗМИЙ

Қадимий Хоразм кишилик маданиятига улугъ ҳисса қўшган, сўнмас ёдорликлар яратган ўлкалардандир. Ҳазирги Ўзбекистон хуаудида етишиб чиккан дастлабки буюк сиймолардан бири Мухаммад Хоразмийдир.

Мухаммад ибн Мусо Хоразмий (Мухаммад Хоразмий) Хоразмда тутилган ва Бағдодда вафот этган. Унинг тутилган ва вафот этган йиллари маълум эмас. Баъзи маълумотларга кўра, Мухаммад Хоразмий 780 йилда тутилган ва 847 йилда вафот этган деб тахмин қилинади. У ёшлигидан Шарқда мавжуа бўлган илмий асарларни қўнг билан мутолаа қилади. Математика, астрономия, география, картография, тарих каби фанларни ўрганади. У ўзининг илмга қаттиқ киришиши натижасида, араб, форс, хинд, юнон тилларини ҳам ўрганиб олади ва шу тилларда ёзилган асарларни мутолаа қилиб, ўз билимини оширишга муваффақ бўлади.

Маълумки, ўлкамизда тутилиб ўсган, шу ўлканинг ўзига хизмат қилган ёки турли сабаблар билан бориб қолиб, ўша ерларда ҳам обрў қозонган, умуман, жаҳон фани тарихида ўз илмий асарлари билан машхур бўлган, дунё фанида ўлмас из қолдирган ватандошларимиз кўп бўлган. Масалан, Хоразмийнинг математика, астрономия,

география ва картография соҳасидаги хизматлари ниҳоятда каттадир. Бу ҳақда жаҳон адабиётида етарли маълумотлар ёзилган.

Хусусан, Хоразмийнинг математикага доир асарлари-арифметика ва алгебра Европа тилларига кўп марта таржима қилиниб, математика фани ва амалиётида фойдаланилган. Хоразмийнинг лотинча китобларида Алгоритмус, Алгорисмус, Алхарисмус, Алкауресмус, Алхаритмус ва ҳоказо шаклларда ёзилиб, янги арифметика – алгоритм (алгоризм) номини яратган. Бу номлар аслида «Хоразмий» эканлигини шарқшунос Ж.Рейно 1849 йилдаёқ аниқлаб берган эди.

Хоразмийнинг бутюклиги унинг шахсий математик иродасидан, шунингдек, Хоразм математикасининг кўп асрлик анъанасига таянганидан эди. Хоразм фани эса сўғорилш, сёҳаглар, қуриллш ва савдо-соғиқнинг амалий эҳтиёжлари заминда ривожланган. Хоразмий, ўз ватанининг ана шундай етук фани билан... арабларни таништирди, сўнгра, лотинча таржималардан жаҳон илм аҳли ҳам танилди. Яна шунни айтишимиз мумкинки, Шарқий Европа географияси ва этнографиясига доир дастлабки маълумотларга Хоразмий асос солгандир. Бу маълумотлар эса кейинчалик барча шарқий географик асарларида биридан-бирига ўтиб, энг аниқ ва ўзгармас маълумот бўлиб қолди.

VIII аср охири – IX аср бошларида араб ҳалифалигининг пойтахти Бағдод обод бўлган, юксалган. Хорун Рашиднинг ўғли ал Маъмун (813-833 йилларда ҳокимлик қилган) олимлар академияси — «Байт ул-хикма» («Доншмандлар уйи») ташкил қилиб, унга барча мамакатлардан машҳур олимлар, таржимонлар жалб қилинган. Жалб қилинган олимлар орасида ўлкадошларимиздан, жумладан Хоразмий, Фарғонийлар

ҳам бор эди. Улар Бағдодаги кутубхонада Ғарб ва Шарқ антик дунёсининг илмий меросини ўрганар, барча олимлар қатори улар ҳам хинд, грек ва бошқа кўнгина тилларда ёзилган асарларни кўнг билан ўрганар, тахлил қилар ҳамда араб тилига таржима қиларди.

Шу даврда Хоразмий Бағдод обсерваториясининг ер юзи айланасидаги градус миқдорини ўлчаш ишларида қатнашган. Олимлар (827 йили) икки гуруҳга бўлиниб, бир гуруҳ — Сурия чўлида, Рака ва Пальмира (Тадмур) шаҳарлари орасида (Фрог дарёси ёқасида), иккинчи гуруҳ — Шимолий ироқдаги Жабали синжор (Синпор) тоғи этагида ишлаган. Иккала жой ҳам 36° ш.к.ёнида эди. Иккала гуруҳ ўлчашлари бир-биридан бироз фарқ қилиб қолади (бири – 57 ва 56  $\frac{1}{4}$  мил). Ғивоятларга кўра, халифа Маълум бу икки хил фарқларни бир хил, яъни ўртачасини – 56  $\frac{2}{3}$  милни белгилаб берган.

Агар арабларнинг 1 мил 1973 метрга тенг деб олинса, меридианнинг 1 градус 111,8 км га тенг бўлади. Дастлаб ер меридиани Эротосфен (эр.ав. III аср) ўлчаб, 1/50 га тўғри келишни аниқлаган. Шунда Ер меридиани 39,700 км, ҳақиқий узунлиги 40,004 км.га яқин келади. Айни шу пайтда Халифа Маъмун олимларга осмоннинг ва жаҳоннинг карталарини тузиш тўғрисида ҳам топшириқ берган. Бу ишларга кўп олимлар қатнашган. Уларга Хоразмий бошчилик қилган.

Хоразмийнинг мажур карталар тузиш муносабати билан ёзган «Сурат ал-арз» китоби ўз даврида жуда машҳур бўлган. Асар бир неча ўнлаб карталар ва уларга берилган изоҳлардан иборат бўлган. «Арз» сўзи – ер, дунё маъносида, «Сурат» – қиёфа маъносида ишлатилган. Шунинг учун китобнинг номи «Ернинг сурати» «география» деб таржима қилинган. Китобда дунёнинг

турли худудлари иқлимлари бўйича жойлаштирилган ва уларнинг жойлашган ўрни (координаталари) кўрсатишган. Китебда энг муҳим (537 жой) жойлар (шаҳарлар, тоғлар, ороллар, дарёлар) номи ёзилган ва улар тарафдан шарҳқа жойлаштирилган.

Хоразмий ўзининг географияга оид асарига ўзидан олдинги ўтган бу соҳа манбаларини яхшилаб эгалайди. Уларнинг маъқул томонларини қабул қилади, камчилик ва чалқашликларини тузатади, мукаммаллаштиради.

Хоразмийнинг «Сурати-ал-арз» асари атласга берилган изоҳномасидир.

Бу асарнинг фақат битта қўлёзмаси 1878 йилда Кохирда топилган. Унинг ҳам кўп беллари йўқолиб кетган экан. Атласдан фақат 4 та карта сақланиб қолган. Атласдаги карталардан бири — Нил хавзасининг; иккинчиси — денгиз қирғоқлари турли шакалларнинг схемаси; учинчиси — «жазират ал-жавҳар» («Жавҳар тошлар ороли» ёки «Ёқут ороли») картаси; бунда ҳамма томони тоғлар билан ўралган бир орол тасвирланган. Тўртинчиси — Азов ва Қора денгиз картаси; (2-3 расм).

Хоразмийнинг географик илмий мероси билан шарқшунос италялик К.Наллино, чех олимми Ганс Мъжик, Венгриялик шарқшунос К.Цегледи, И.Ю.Крочковскийлар ва Х.Ҳасановлар шуғулланиб, китобхоналарга маълум қилган.

Хоразмий ер юзасидаги нуқталарнинг баландлигини ўлчаш асбоби, устурлаб (астролябия), кўйш соати тўрисида ва бошқа соҳаларда кўп асарлар ёзган. Унинг «Яхудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш» ҳақида ёзган тарихий асари ҳам бўлган. Аммо олимнинг кўп асарлари араб тилида ёзилган асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Унинг фақат Европа тилларига қилинган таржималаригина сақланиб қолган. Бу сақланиб қолган

асарлар буюк олимнинг жуда кўп қиррали ижодининг бир қисмидир. Фан тарихи шуғулланаётган олимлар буюк ўзбек олимми, умумжаҳон фанида самарали хизмат кўрсатган Хоразмий асарлари устида ҳозирги пайтда ҳам илмий ишлар олиб бориш давом этмоқда.

Хуллас, Хоразмий фақат Ўрта Осиёнинг буюк географ олимигина эмас, у Шарқ географиясининг асосчиси, узоқ Испаниядан то Қашқаргача барча табиатшунос, географ ва сайёҳ олимларга илҳом берган, намуна бўлган йўлбошчидир.

Итальян шарқшуноси К.Наллино Хоразмийга шундай юксак баҳо берган: «Европадаги ҳеч бир халқ Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва бундай асар яратишга қодир эмас эди».

Шундай қилиб, Хоразмий география, астрономия, тарих, математика фанлари соҳасида қилган хизматлари билан жаҳон маданият тарихига катта ҳисса қўшди. Ҳозирги ривожланган фанимиз, маданиятимизда Хоразмийнинг катта ҳиссаси, ажойиб улуши бор. Шунинг учун ҳам Хоразмий номи доимо ҳурмат билан тилга олинади ва тарғибот қилишга моликдир.





## АХМАД ФАРҒОНИЙ

Фарғонийнинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир.

Фарғоний IX асрда яшаб ижод этган буюк астроном ва ўз даврининг географи ҳамдир. Унинг ҳаёти ва унинг биографияси ҳақида тўлиқ маълумот ханузгача маълум эмас. Аммо унинг Фарғоний деб машҳур бўлганидан Фарғонада тутилганлиги ва шу ерда ўстанлиги ҳақида маълумотлар бор.

Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, Фарғоний ўзининг илмий тадқиқот ишларини араб ҳалифалигининг йirik шаҳарлари Бағдод ва Дамашқда ўтказган. Ҳатто халифа Маъмуннинг фармонига биноан Фарғонийнинг бевосита раҳбарлигида ўз даврининг етук астрономлари Аббос ибн Саид, Саид ибн Холид ва Яхё ибн Мансурлар иштироки билан, аввал, Бағдодда (841 йили), сўнг Дамашқда расадхона (обсерватория)лар қурилган. Бу расадхоналарда Фарғоний ва унинг сафмонлари юлдуз ва сайёраларнинг ўрни, уларнинг ҳаракатлари тўғрисида кузатишлар олиб бордилар. Бу кузатишлар натижасида грек олими Птоломей тузган юлдузлар жадвалини текшириб чиқишга, бу жадвалдаги мавжуд бир мунча ҳато ва камчилик чалқашликларни тузатишга муваффақ бўлганлар.

Фарғоний астроном Баний Мўсо деб шуҳрат қозонган, тадқиқотчи олим билан биргаликда Қизил денгиз яқинидаги Санжар ва Қуфа саҳросида узоқ вақт кузатишлар олиб борган.

Фарғоний халифа Маъмун ва Мутаваккал (846-862 йиллар) замоннда яшаган. Файласуф Киндий Мутаваккал халифа газабига дучор бўлиб қатл этилгач, Киндий

бошлаган «Жаъфарий жадвали»ни тутатиш вазифаси Фарғонийга топширилади. У устоз астроном сифатида бу ерда расадхоналар қурдириб, улардаги илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади. Олим тадқиқотлари натижасида «Астрономияга кириш» («Маҳал ан-нужум») номли машҳур асар яратган. Бу асар жаҳон астрономияси тарихида К.Птоломейнинг «Алмагест»дан кейинги иккинчи йirik ва мукаммал асардир. Асар географик тоғларга ҳам бой. Унда ернинг шарсимон эканлиги таъкидланибгина қолмай, аниқ далиллар билан исботлаб ҳам берганки, бу далиллар ҳамон ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, бир хил осмон ёриткичларининг турли вақтда кўтарилиши, Ой ва Кўёш тутилиши, бу тутилишларнинг турли жойларда турлича кўриниши ҳақида маълумотлар берилган.

Кермонлик Герардо XII асрда бу асарни латин тилига таржима қилиб, бутун Европага ёйган. XIII асрда эса у Европанинг бошқа тилларига ҳам таржима қилинган. Бу асардан қарийб XV асргача асосий астрономия дарслиги сифатида фойдаланиб келинган. Голландия арабшуноси ва математиги Яков Голнус 1669 йилда Амстердамда мазкур ғитобни араб ва латин тилида чоп қилдириб ал-Фарғоний (европача Альфраганус) номини бутун жаҳонга ёйди. Ҳатто италян адиби Дантенинг «Илоҳий комедия»сида ҳам улуғ Альфраганус тилга олинган. 1464 йилда Падуя шаҳрида Фарғоний тўғрисида суҳбатлар ўқилган. Умуман, Альгоритми (ал-Хоразмий) билан Альфраганус (ал-Фарғоний) Шарқ мамлакатларидан кўра Ғарбда – Европа мамлакатларида кўпроқ шуҳрат қозонган деган фикрлар ҳам бор.

Фарғонийнинг астрономияга оид асарлари географияга катта ўрин берилган бўлиб, уларда иқлимлар ва мамлакатларнинг жойланиши тасвирланган. Олимнинг

астрономия, география, картографияга оид асарлари жуда кўп. Шунинг учун ҳам академик шарҳчунос И.Ю.Крачковский Фаргонийни «ўрта осийлик астроном ва географ» деб атаган.

Фаргонийнинг астрономияга оид асарида турли жойларнинг жадвали ҳам берилган. Шуниси қизиқки, Фаргоний тузган жадвал Хоразмийнинг тузган жадвалидан («Иклим» ларнинг чегаралари, бошлангич меридиан кабилар) фарқ қилади. Ҳолбуки, бу жадваллар иккаласи ҳам бир вақтда бир шаҳарда тузилган. Фаргоний жадвалида аввало шарқ томондаги вилоятлар кўрсатилиб, тарбга томон бирин-кетин баён этилган: «Аммо биринчи иқлим Машриқдан, Син мамлакатнинг чеккасидан бошланади... Сўнгра Кулзум денгизин кесиб ўтиб, Хабаш мамлақати ва Нил дарёси Мисрдан ўтади... Кейин бу иқлим мағриб ерлари томон ёйилиб, Барбөр мамлақатининг жанубидан ўтади ва Мағриб денгизга етади».

Демак, дунё вилоятларининг рўйхатини тузишда ҳинд-эрон географиясининг таъсири кучли бўлган.

Фаргонийнинг «Астрономияга кириш» номли йирик асария фан тарихида кагга аҳамиятга эга бўлганлиги ҳақида, академик Т.Н.Кориниёвнинг кўрсатишича, бу китоб ўз замонасининг энг яхши астрономик асаригина бўлиб қолмай, балки, шу билан бирга, астрономик билимларнинг ўзига хос энциклопедиясидир.

Фаргоний астрономия фанига оид бўлган қимматбаҳо асарда бу соҳада эришган ютуқларини муфассал баён қилган, ўзидан илгариги олимлар фикрини ўз танқидидан ўтказди, натижада, аввал мавжуд бўлган кўпгина мавҳум масалалар бирмунча ойдинлашди.

Манбаларда ёзилишича, Фаргоний «Усули илм ан нужум» (Астрономия фани усуллари) номли китоб ёзган.

Олим ўзининг илмий қилирувлари натижасида бир қанча астрономик асбоблар ҳам ясаган. Ҳатто, у бу ҳақда иккита асар ҳам ёзган. Буларнинг бири Астролябия ҳақида мукаммал билимлар («Ал Комил фи устурлаб»), иккинчиси эса Астролябия яшаш санъати ҳақида («Фи санъат ва устурлаб») дир. Олим кўп ўлчов асбобларини ихтиро қилиш ҳақида уларни такомиллаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшган. Масалан, у астролябия ва куёш соати ҳақида батафсил маълумотлар ёзган, дарё суви ўлчайдиган асбоб («миқёси жадид»)ни ихтиро қилган. Беносига ўрга Осиёга таалуқли баъзи маълумотлар олимнинг астрономияга оид китобининг охиридаги жадвалида келтирилган. Бу маълумотлар асосан йирик географик аҳоли пунктларининг координаталаридан иборат.

Фаргонийнинг хизматларидан яна бир шуки, 861 йилда у ал-Мугтаваккилнинг буйруғи билан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган асбобни тузатиш ва ўрнаттиш учун Фустот (ҳозирги Қоҳира) шаҳрига борган.

Аҳмад Фаргонийнинг астрономия, география тўрисида тушлаган материаллари ва асарлари шунчалик аниқ ва бетакрор бўлганки, ундан кейин яшаган кўпчилик олимларнинг асарлари дунёга келишида асосий манба бўлиб хизмат қилган. Шундай қилиб, Фаргоний қолдирган бой илмий мерос осмон жисмлари, ер ҳақидаги география, картография ва бошқа кўпгина фанлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Буюк сиймо астроном, географ Фаргоний 861 йили Бағдодда вафот этган.

## ФОРОБИЙ



Абу Наср Форобий.

Форобий, унинг тулик  
исми Абу Наср Муҳаммад ибн  
Муҳаммад ибн Тархон ибн  
Узалиқ ал-Форобийдир. Форобий қадимги Фороб қишлоғи-да  
873 йилда харбий хизматчи  
оиласида дунёга келган. Шу  
вақтан – Форобга нисбат бериб,  
Форобий, яъни Фороблик деб  
шухрат қозонган. Фороб қиш-  
лоғи Тошкентнинг шимолий  
қисмида жойлашган, кейинча-  
лик тариқда Утроор номи билан  
ном қозонган. Унинг ёшлиқ, ўсмирлик йиллари Форобда  
ўтди. У ёшлиқ чоғидан илму маърифатга қизиққан, яхши  
маълумот олган. Кейинчалик у Тошкент, Самарқанд,  
Бухоро мадрасаларида таълим олган. Унинг илм-фанга  
қизиқишини кўрган отаси Бағдодга кўчиб келиб, шу  
шаҳарда яшаб қолади. Бу ерда Форобий араб тили ва  
адабиётини ўрганиш билан шуғулланади. Араб тилини  
яхши ўрганиб ўз устозларини қойил қолдирган.

Форобий ўша даврда мавжуд бўлган барча  
илмлардан баҳраманд бўлишга интилади. Бу йўлда  
мақсадга эришиш учун Бағдод, Халаб, Харон каби  
Шаҳрнинг жуда кўп шаҳарларида саёҳат қилади. Ана шу  
саёҳат вақтида шаҳарлардаги олимлар билан танишиб,  
улар билан суҳбатлашиб, улардан зарур билимларни  
олишга интилган. Бу орада олим Аристотель, Платон ва  
Болиқ қадимги давр файласуфларининг асарлари билан  
танишган ва у асарларни таҳлил ҳам қилган. Бора-бора

Форобий замонасининг йирик-йирик олимлари билан  
мунозаралар ўтказишга ҳам қодир бўлиб қолади.  
Нағижанда, одамлар Форобийдан ҳам илм ўргана  
бошлайдилар. Кўп ўтмай, унинг атрофида жуда кўп  
шогирд-лари тўпланади, у мадрасаларда дарс бера  
бошлайди. Тарихчиларнинг хабар беришича, фақат  
Шомнинг (ҳозирги Сурия) ўзида ундан илм ўрганувчи  
шогирдлар сонини мишга етган.

Форобий ўрта аср шарқининг буюк файласуфи. У  
айни вақтда математик, астроном, географ, биолог,  
муסיқапунос сифатида дунёга машҳур сиймодир.

Форобий қадимги грек фалсафаси билан чуқур  
шуғулланиб, биринчи навбатда, Шарққа кенг тарқалган ва  
у даврда катта хурматга сазовор бўлган Аристотель  
асарларининг асли билан танишди ва Аристотель тоғлари  
ноғўри шарҳлаганини пайқайди. Ниҳоят, унда Аристотель  
фалсафасидаги асл мақсад нимадан иборат эканлигини  
одамларга тўғри изоҳлаб бериш нинги пайдо бўлди.  
Бунинг учун у «Фан аърозил ҳокими Арасту фи кули  
мақолат миал китоби мавсум бил хуруф», «Китобу  
жамъ байна разъил ал ҳокимайни Афлотун ал Илохий ва  
Арасту» (икки ҳоким – Афлотун Илохий ва Арасту  
қарашлари тўплами китоби) каби бир қатор асарлар ёзган.  
Бу китоблар ўз даври файласуфлари томонидан яхши  
кутиб олинди. Форобий мадрасаларда дарс берганда юнон  
файласуфларининг кўп асарларига шарҳ беришга эҳтиёж  
туғилди. Кўп шогирдлар, файласуфлар ундан шарҳ ёзиб  
беришни илтимос қилишади. Шу аснода Форобий бу  
ишга киришади. Нағижанда Форобий Аристотелнинг  
«Категориялар», «Герменевтика», «Аналитика» (биринчи  
ва иккинчи), «Топика», «Софистика», «Риторика»,  
«Поэтика» каби асарларига батафсил шарҳ ёзди. Унинг  
бу шарҳидан кўп тадқиқотчилар баҳраманд бўлди.

Буюк файласуф фақат фалсафий асарларга шарҳ ёзиш билан чеklangмаган, балки кўпгина илмий асарлар ҳам ёган.

Форобийнинг «Уюнул масоил» (Масалалар булоғи), «Рисолату фи фусуси ҳикам» (Ҳикмат тавҳарлари ҳақида рисола) каби асарлари Форобий дунёқарашининг дурдоналари ҳисобланади. Форобийнинг «Мақолу фи маонил ақл» (Ақл маънолари ҳақида мақола), «Рисолату фи ақл» (Ақл ҳақида рисола) деган асарлари ва жуда кўп фалсафий саволларга берган жавоблари унинг фикр доираси наҳадлар кенг, нақадар улуғворлигини кўрсатадиган манбалардир.

Форобий ўрта аср табиий ва ижтимоий фанларига оид 160 дан ортиқ асар ёзганлиги маълум. Олимнинг ижодининг бир қисми юнон файласуфлари ва табиатшуносларининг (Платон, Аристотель, Эвклид, Птоломей ва бошқалар) асарларини шарҳлаш, баҳолаш ҳамда тэргиб қилишга бағишланган, иккинчи қисми эса фаннинг турли соҳаларига оид мустақил, оригинал тадқиқотларни қамраб олган.

Форобийнинг табиий-илмий қарашлари «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асарида изчил баён этилган. Унда фанларнинг бўлиниши (классификацияси), 30 дан ортиқ ўрта аср фанининг таърифи, аҳамияти тадқиқ қилинган. Олим барча фанларни 5 гуруҳга бўлади. У табиатшунос ва метафизикани бир гуруҳга бирлаштиради. Хусусан, табиатшуносликка оид билимларни фалсафий муноҳадалар учун асосий манба деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асарида табиат ҳақидаги фан бошқа барча таълимий фанлардан бой ва кўлами кенг, деб уқдиrsa, бошқа бир асарида философияни ўрганишга киришишдан олдин

табиат сирларини билмоқ лозим, деб ёзади. Форобийнинг моддий дунёнинг тўрт «илдизи» - олов, ҳаво, сув ва ер ҳақидаги таълимоти, табиат(географик қобик)нинг тўрт асосий компоненти (ҳаво, сув, ер пўсти ва органик ҳаёт) тўғрисидаги ҳозирги замон географик тасаввурига анча яқин. Форобий табиатни - билиш объекти, инсонни эса - билиш субъекти деб қарайди ва табиатни ўрганишда кузатув ҳамда тажрибаларнинг ҳал қилувчи ролини очиб беради. Олим табиий фанлардан алхимия, ботаника ва минерология билан ҳам махус шугулланган.

Форобий сайёҳ сифатида бутун Ўрта Осиё ва Қозғонистонни кезиб чиққан ҳамда бу жойларнинг таббий географик хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлган. У Сирларё бўйларида Ўрта денгиз соҳилларида ва кўллаб бошқа жойларда бўлганлиги маълум.

Форобийнинг табиатшуносликка доир «Инсон аъзолари ҳақида рисола» асари ҳақида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Бу асарда олим инсон организми, унинг функцияси ҳақида гапирар экан, Форобий организм бир бутун ва яхлит системадан иборатлигини, турли ўзгаришлар ва касалликлар эса овқатланишнинг ўзгариши билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтган.

Одамнинг келиб чиқиши ҳақида олим янада илгор фикрни ола сурган. Инсон даставаал табиатдан, айнан ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққан. У гарчи фикрловчи инсон қиёфасини олган бўлса ҳам, барибир ўз аждоди - ҳайвонлар билан баъзи ўхшашликлари сақланиб қолган. Одам организми марказий нерв системаси орқали бошқарилади, бош мия организмда ўзаро муносабатларни юзага келтириб туради. Форобийнинг таъкиллашича, организмда икки хил бошқариш кучи бор: булардан бири ҳайвоний бошқариш, бу хайвонларга хос

хислат ёки ноақа (ал – ҳайвон гайри нотик) ва фирқловчи, ақлли (ал – ҳайвон ан – нотик), нутқий хусусият деб таърифлайди. Шундай қилиб, ҳайвонларда нутқ ўсмаган – бирламчи сигнал системага бўйсунувчилар деб кўрсатган бўлса, одамларни нутқий фазилати ўстан – иккинчи сигнал системага хос фазилат деб таърифлайди. Бундан кўриниб турибдики, Форобий ҳали Европа олимларига қадам, хусусан рус физиологи И.М.Сеченовгача 1000 йил аввал физиология фанининг фундаментал асоси бўлган бирламчи ва иккиламчи сигнал системасининг ривожланишига илмий асос солган.

Форобийнинг юқорида зикр этилган чуқур илмий – назарий мулоҳазаларини бундан минг йилдан ортиқроқ вақт илгари ҳеч қандай илмий асослар мавжуд бўлмаган даврда асосланганлиги ҳисобга олинса, унинг мушоҳадаси зўр, эрудицияси кучли эканлиги маълум бўлади.

Олим ўздидан олдинги ўтган олимлардан фарқли равишда ўз асарларида материянинг бирламчи, биз кузатадиган олам сезги аъзоларимиз орқали бизнинг онгимизга инъикос этишни аниқ фалсафий изоҳлаб берган. У сезги аъзоларини икки гуруҳ ташқи (ҳид билиш, таъм билиш, эшитиш, кўриш ва туйғу аъзоларига) ва ички аъзоларга бўлади. Мазкур сезги аъзолари ташқи олам билан одам организмнинг ички кечинмаларини боғлаб турувчи звено эканлигини эътироф этади.

Форобий Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб фани тарихида ёрқин саҳифа очди, шу сабабли ҳам у ҳақли равишда Осие ва Европа фанларининг асосчиларидан бири деб ҳисобланиб келинмоқда. Унинг асарлари грек, араб, форс, француз, немис, инглиз, италян тилларига бир неча марта таржима қилинган. У 950 йили Дамашқда вафот этган. Унинг Маъмун ибн Маъмун саройида

Абдулпукур, Балхий, Абулқосим, Фирдавсий билан ижод қилгани маълум.

Форобий босиб ўтган ҳаёт йўли ва илмий меросини ўрганишга бағишлаб мамлакатимизда ва чет элларда ўтказилган тантаналар олимнинг беқийс илмий меросига билдирилган беназр ҳурмагдир.

Бу буюк сиймо табиатшунос ва файласуфнинг илмий қарашлари кейинги давр табиатшунослари (чунончи, Беруний, Ибн Сино ва бошқалар) ижодига кўрсатган таъсири ҳам шундан далолат беради. Бугина эмас, Форобий асарлари «Европа Уйғониш даври»нинг классиклари (Бэкон, Леонардо да Винчи, Коперник, Кеплер, Лейбниц ва бошқалар) илмий тасавурларининг шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнаган.

## АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ



Бу улуг олимнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида муфассал маълумотлар йўқ. Аммо унинг таржимаи холи тўғрисида замондошлари ва мухлислари ёзиб қолдирган хотира ва ривоятлар асосидагина унинг ҳаёт ва фаолиятини бир қатор тасаввур қилиш мумкин. Шунингдек, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Ливан, Миср, Эрон, Англия, Франция, Италия, АКШ, Германия, Туркиядаги Берунийшу-нослар Беруний ижодининг турли соҳалари бўйича ёзилган бир қанча диссертациялардан ҳам билиш мумкин.

Абу Райҳон Беруний 973 йил Хоразмда, Амударёнинг ўн соҳилидаги Кот (ҳозирги Беруний тумани ўрнида) шаҳри чеккасида туғилган.

Берунийнинг исми ва келиб чиқишига келганда шуни айтиш мумкинки, у оддий оиладан чиққан бўлиши эҳтимоли бор, чунки унинг аجدлари машҳур кишилар қаторида тилга олинмаган. «Ҳақиқатан ҳам, мен ўз насл-насабимни, ҳатто бобом ким эканлигини ҳам билмайман. Отамнинг номи менга номтаълум бўлгандан кейин, бобомнинг номини қаердан ҳам билар эмим» деган. Самонийнинг айтишича, ўша даврда Хоразм шаҳрининг ўзида эмас, ундан ташқарида туғулиб ўсган киши «беруний» («ташқарилик») деб аталган. Араб географ ва сайёҳи Ёқут ҳам: «Хоразм аҳли четда юриб мусофир бўлиб қолганларни шу ном билан атайдилар» деган. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Номаи донишварон» китобидаги

қуйидаги маълумотларнинг тахминий деб тушуниш керак. Бу асарда: «Ёзувчилар Берунийнинг аслини Ҳинд вилоятида бўлган Берун шаҳридан дегиздилар... Берун шаҳри, баъзиларнинг айтишича, унинг тутилган ва яшаган вагани эди, у бу ердан чиқиб Мовароуннаҳр шаҳарларида бўлган. Хоразмда илмий изланишлар олиб боришга киришди. Шу мақсадда Хоразмни маъқул топади» дейилган. «Абу Райҳон – унинг асл исми эмас, бу унинг хомийси – хоразмлик Райҳон хонимнинг исмидан олингандир». «У гулларни ва ўсимликларни севиб ўрганганлиги учун «Райҳон» номини олган», деган таълимулар ҳам бор. Шуниси, маълумки, Шарқ манбаларида Беруний кўпинча «Устод» ёки «Абу Райҳон» деб зўр эҳтиром билан тилга олинган. У Ғарбий Европада Алибарон номи билан ҳам машҳур бўлган. Шундай қилиб, «Беруний» олимнинг нисбаси ҳисобланади (тоҳ «Байруний», кўпинча «Бируний» шаклида ёзилган).

Берунийшунос Убайдулло Каримов бу масалаларга бундай яқун ясаган: «Унинг исми Муҳаммад, отасининг исми Аҳмад, Беруний эса унинг нисби, яъни келиб чиқиши ва насл-насабни билдирувчи номдир. «Беруний» форсча «Берун» («ташқари») сўзидан олинган бўлиб, «шаҳар ташқарисида туғилган» ёки «ўша ерда яшовчи» деган маънони билдиради. Абу Райҳон унинг лақаби бўлиб, араб тилида «Райҳон отаси» ёки «райҳонли киши» деган маъноларни англатади. Унинг ёшлик чоғларидаёқ ўсимликлар билан кизиқиши маълум, шу туфайли Абу Райҳон лақабини олган бўлса керак. Бундан ташқари райҳон сўзи арабчада «рахмаг» ва «ризк» маъноларини билдиради, шу нуқтаи назардан Абу Райҳон «Марҳаматли», «рахмдил» деган мазмунни ҳам билдиради.

Абу Райҳон Хоразмнинг кўп шаҳарларида бўлиб, маҳаллий мактабларда ва машҳур устозлардан таълим

олган. Унинг биринчи муаллими Абу Наср ибн Ироқ бўлган. Ҳокими ибн Ироқ егим Абу Райҳонни ёшлигидан ўз тарбиясига олиб, унга математика ва астрономиядан таълим берган.

Абу Райҳон болалигидаёқ жуда идрокли, анча ўзига нисбатан талабчан ва билим олишга иштиёқи зўр бўлган. 992 йил Шимолий ва Жанубий Хоразм ҳукмдорлари ўртасида бошланган урушда Шимолий Хоразм ҳукмдори Маъмун ибн Маъмун галаба қозонади ва хоразмшоҳ унвонини қабул қилиб, Гурганчни (ҳозирги Урганч) пойтахт деб эълон қилади.

997 йил бошида хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад вафот этиб, тахта Абул-Ҳасан ибн Маъмун ўтирган. «Маъмун-ақли ва маърифат-парвар одам эли, у ўз мамлакатини мустақкам ва мустақил қилишга интилади». («Ўзбекистон халқлари тарихи»). Абу Райҳоннинг сифатларини эшитган Хоразмшоҳ уни дарҳол Хоразмга чақирган ва 1010 йилда ўзининг энг яқин маслаҳатчиси этиб тайинлаган.

«Абу Райҳон Маъмун Хоразмшоҳ саройида кўп вақт бўлди. Унинг ҳузурда шунча маҳрам бўлдики, ҳаминша унга ҳамдам бўлиб яшади. Шунчалик ишонч орттирдиким, Хоразмшоҳнинг ҳамма ишига маслаҳатчи ва ҳар бир сирини ишонгли ошна бўлиб қолди... Шу залда етти йил (1010-1017 йиллар) бошқа бир жойга кетмади, унда туради» (Нома донишварон).

Илм аҳлининг кадрига етувчи Маъмун ва илмини бошқарувчи Абу Райҳон Беруний шу даврда жами Хоразм олимларни уюштириб, «Фанлар академиясига» ўхшаш бир илмий макон барпо этганлар, бунини «Маъмун академияси» деб аташ расм бўлган. Беруний 1004 йил бошидан то 1017 йил охиригача Гурганчда туриб, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу

Саид ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибий, Аҳмад Муҳаммад ас-Саҳрий, Зайнулдин Журжоний ва бошқа кўп олимлар математика, астрономия, география, геодезия, топография, картография каби турли фан соҳалари билан шуғулланиб, бу илмларнинг келажақдаги ривожига хизмат қилдилар.

Хусусан, Беруний Маъмун академиясида кўп фанларга доир талқиқотлар олиб борган.

Жумладан, табиий фанлар, чунончи географик билимлар салмоқли ўрин эгалайди. Берунийнинг астрономия, география, картография, геодезия, тарих, математика, минерология, этнография, физика, химия, доришunosлик, тиббиёт, табиатшunosлик соҳаларига бағишлаган 150 дан ортқ асар ёзган. Ҳозир улардан 30 тасгина «омон» қолган. Берунийнинг географияга оид баъзи асарларига қисқача тўхталмоқчимиз.

Берунийнинг давримизгача тўла етиб келган ва илмий географик аҳамиятини хануз йўқотмаган йирик асарлари: «Осори боқия», «Картография», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Ал-Ғафҳим», «Қонуни Масъудий», «Минерология» ва «Сайдана»лардан иборат.

«Осори боқия» асарида олим об-ҳаво ва иқлим тўғрисидаги тасавурини анча ойдинлаштирган. Беруний об-ҳаво омиллари (жойнинг географик ўрни, денгизлардан узоқ-яқинлиги, рельефи, асосий шамолларнинг йўли очик ёки берқ эканлиги, булутлилик ва ҳ.к.) ва элементлари (харорат, ёгинлар ва уларнинг турлари шамоллар) ҳақида тўғри илмий фикр юритади; ҳатто иқлим тушунчасини тўла-тўқис баён қилиб, турли иқлимларнинг қарор топиши ва ҳудудий тарқалиши ҳақида аниқ, ҳулосалар чиқаради. «Аниқки, ёгин (бизнинг мамлакатимизда) қишда кўпроқ ёғади, ёзда камроқ, тоғларда кўпроқ, текисликларда камроқ ёғади» деб ёзади,

олим («Осори боқия» — 287 бет). Асарда турли халқларнинг тавқим (календарь) системаси, ой ва мўчал номлари, байрамлар, Ой манзиллари, жуда кўп метеорологик, фенологик ва тарихий маълумотлар, қабилалар ва жойларнинг номлари ёзилган.

Берунийнинг иккинчи йирик географик асари «Китобу фи тасҳих ас-сувор ва табтиҳ ал-кувор» - яъни «Қаргалар ва ер шари юзасини билиш китоби». Асарда асосан астрономия, география ва картографияга оид билимлар уйғунлашиб кетган. Олим дастлаб, бу билимларнинг илмий ва амалий аҳамиятини таъкидлайди, сўнгра астрономия ва ундан фойдаланиш усуллари, градус тўри, картографик проекциялар, қаварик ер юзасини горизонтал юзага (қоюзга) тушуриш, осмон глобусини яшаш каби масалалар муқаммал баён қилинган. Хусусан географик карта тўғрисидаги билимлар ҳозирги даврда ҳам муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

«Геодезия» (тўлиқ номи — «Китобу таҳиди ниҳоят ул-амокин ли тасҳихи масофот ул-масокин», яъни «Турар жойларнинг орасидаги масофаларни аниқлаш учун жойларнинг чегараларини белгилаш ҳақида китоб»)да геодезик билимлардан ташқари Хоразм воҳаси табиий географиясига асосан гидрографияси, палеографияси ва топонимикасига доир қизиқарли маълумотлар берилган.

Берунийнинг Амурдёрё этаклари, Қорақум ва Қизилқум тарихи ҳақидаги илмий мулоҳазаларидан қуйидаги муҳим хулосалар келиб чиқади. 1) Бутун ер юзи табиати каби Амурдёрё водийси этаклари, Қорақум ва Қизилқум чўллари табиати ҳам геологик ҳамда тарихий ўтмиш давомида доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлган. Қуруқлик сувлик билан ва аксинча, сувлик қуруқлик билан алмашиниб турган; 2) қуруқликда (ушбу мисолда чўлларида) учрайдиган денгиз ҳайвонлари

қодикларининг учраши бу жойларнинг бир вақтда денгиз суви остида бўлганлигининг далилидир. Бу ўзгаришларнинг икки асосий манбаи бор — бир томондан, ернинг ички кучлари таъсирида тоғларнинг кўтарилиши, чўкиши ёки ёрилиши, иккинчи томондан, оқар сувлар ва кўлларнинг эрозия — аккумулятив иши. Бу икки куч рельеф ҳосил бўлишида ва дарёлар йўналишининг ўзгаришида муҳим рол ўйнайди; 3) Қорақумнинг қатта қисми қадимги Амурдёрё келтириб ётқизган юмшоқ жинслардан иборат аллювиал текисликдир; 4) Дарёлар миграцияси яъни ўзининг йўналиши ўзгариб туришини кўхна Амурдёрё мисолида яққол кўриш мумкин; 5) Дарё ўзининг йўналиши воҳаларининг юзага келиши ва ўрин алмашинишида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, олимнинг юқоридаги фикрлари ажойиб палеогеографик умумлашма, Қорақум билан Амурдёрё геологик тарихи сўнги даврнинг ёрқин саҳифаларидир.

«Ат-Тафҳим» - Берунийнинг икки тилда: араб ва форс тилида ёзган йирик асарларидан биридир (Бу китоб қўлёмаси Тошкентдаги Шарқшунослик институтининг фондида 445 ва 3423-номерли).

Беруний бу китобида геометрия, астрономия, тақвим, география масалалари ёрилган ва доира шаклидаги дунё картаси «Ат-Тафҳим» китобининг Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёмасига карта (инв. №3423) илова қилинган.

Бу картанинг диаметри 12,5 см. Бу карталаги тожикча сўзларни ўзбекчага профессор Х.Хасанов таржима қилган ва картани ағдариб, яъни картанинг юқориси шимол, пастки қисмини жануб қилиб чизган.



«Марварид. Сув ҳайвонининг жинси бўлиб, ўсиши билан (бошқа) тошлардан фарқ қилади (денгиз тагидан топилади)».

«Минералогия» китобида Хуттал вилоятида (Жанубий Тожикистон) Махатан тоғи этагидан турли рангдаги тошгуз қазиб олинishi ёзилган. «Хутталнинг олтини сариқ рангда, уни тоғдан ва Жайхундан лой ва қум орасидан оладилар. Айниқса, баҳор селлари вақтида қишлоқ аҳолиси олтинни кавлаб оладилар».

Ниҳоят Берунийнинг сўнги ёзган асари—«Сайдана» «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» («Китоб ас-сайдана фит-тибб»)номи билан машҳур. Фарғоналик табиб Абубақир ибн Али ал-Косоний мазкур асарни 1211 йилда Ҳиндистонда форс тилига таржима қилган. Бу нусха Лондондаги Британия музейи кутубхонасида сақланаётгани ҳақида маълумотлар бор.

Маълумки, Беруний ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаёти билан жуда қизиққан. Қуйидаги сатрлар бунинг исботидир: «Ушунда еримизга бир румлик келиб қолган эди, мен унга донлар, уруғлар, мевалар, ўсимликлар ва бошқа нарсаларни келтириб, унинг тилида буларнинг номлари қандайлигини сўрадим ва (араб тилида) ёзиб олардим».

«Доривор ўсимликлар» асарининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, унда Беруний доришunosлик ўзи алоҳида фан бўлиши лозимлигини таъкиллаб, фармакология фанини асослайди. Олимнинг мазкур асарида келтирилган ва тиббиётда ҳозир ҳам фойдаланиб келинаётган ўрта Осиёда кенг тарқалган доривор ўсимликлар куйидагилардир:

«Анжир мевасини Кобул тоғларидан келтирадилар, хотинлар еса тўлишади».

«Ёввойи қарам Исфржоб (Сайрам), Шаш Фарғона ва Усрунона (Ўратепе)да ўсади».

«Бодом раъноғулдошлар оиласидан, бўйи 2-5 м, баъзан 8 м га етадиган дарахт, ширин ва аччиқ хиллари мавжуд. Февраль-март ойларида гуллайди. Меваси июль ойида пишадди. Мағизи таркибида 42-62 фоизли мой, витамин В2 20 фоиз эмульсин ферменти, 2-3 фоиз оқсил, қанд мавжуд. Бодом мойидан олинган эмульсия ошқозон-ичак оғригини қолдириши, бодом мойи эса ич юмпшатувчи дори сифатида фойдаланилади».

«Ялғиз - лабуулдошлар оиласига мансуб, бўйи 30-100 см гача етадиган ўсимлик. Пояси тўрт қиррали. Барги оддий, қарама-қарши жойлашган. Июн ойининг охиридан бошлаб гуллай бошлайди. Гуллари майда, қизил, бинафшаранг, бошқосимон тўп ҳосил қилиб, зич жойлашади. Баргидан дамлама, эфир мойидан ялғиз суви, қиём, валидол тайёрланади. Бу дорилар кўнгли айниши, қайт қилишнинг олдини олиш, овқат ҳазм қилиш, оғиз чайқаш, суюқ дорилар таъмини яхшилашда, шу билан бирга, қулоқ, бурун, нафас йўллари касалликлари, тиш оғригини қолдиришда фойдаланилади. Юқорида кўрсатилган асарда ўсимликларнинг баъзиларидан намуна келтирдик холос. Асарда 1116 хил доривор ўсимликлар, дорилар, мевалар, ҳайвонлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган, уларнинг турли тилларда қандай аталиши ёзилган.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқлик тўғрисида гапириб, «... Ернинг чораги маъмурадир. Маъмуранинг гарб ва шарқ томонини Мухит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турибди. Бу Мухит океани ернинг обоа қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки олам яшайдиган ороллардан иккала ёқдан (гарбдан ва шарқдан) ажратиб туради». «... У томонда ҳаво ноқулай, йўллар нотинч, хавф-хатар кўп,



## ИБН СИНО

Абу Али ибн Сино ўрта аср тиббиёт илмининг намойёндаси, табиятшунос, файласуф, астроном, математик, мусиқашунос, ҳуқуқшунос, ахлоқшунос, филолог ва шоир.

Буюк сиймо Ибн Сино (980-1037) Бухоро шаҳрига яқин Афшона қишлоғида сомонийлар давлатининг майда амалдори оиласида туғилган.

Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ маданиятли, давлатманда одам бўлган. У балхлик бўлган. Нух ибн Мансур даврида балхдан Бухорога кўчиб келган ва Бухоро атрофидаги Рометон қишлоғида ҳокимлик қилиб қишлоқни бошқариш билан шуғулланган. Уша даврда бу қишлоқ эса йирик қишлоқлардан саналар эди. Афшона (ҳозирги Исфана) қишлоғида яшовчи Ситора исмли қизга уйланиб, шу ерда яшаб қолган. Ибн Сино ана шу қишлоқда туғилган. Сўнгра улар Бухорога кўчиб келади. Ибн Синонинг отаси уни қуръон ва алаб муаллимга тонширади. Бу маҳалда Ибн Синонинг ёши ўнга тўлган бўлади. Ибн Сино адабиётга қаттиқ берилиб, кўп китобларни мутолаа қилади ва ҳатто унинг билимига одамлар ажабланиб қарай бошлайди. Кейин отаси Ибн Синони ҳинд ҳисобини биладиган бир кўқфурушда ўқитади. Шу даврда Бухорога Абу Абдуллоҳ Нотимий деган олим келиб қолади. Шунда Ибн Синонинг отаси ўғлига таълим бериш ниятида уни ўз уйига жойлаштиради. Ибн Сино Нотимийдан Парфирийнинг

«Манتيқ муқаддимасти»-«Исакучи» деган китобини ўрганади. Ундан кейин Ибн Сино мантиққа оид китобларни ва унга берилган шарҳларни мустақил равишда мутолаа қила бошлайди. Ибн Сино тиб илми билан ҳам жуда эрта шуғулләне бошлади. Тиб илмини у Бухоролик Абу Мансур Қамарий раҳбарлигида ўрганади. У тибга оид жуда кўп китобларни ўқиб чиқади. Шу йўл билан у тез орада қатта муваффақият қозонади. Ҳатто беморларни даволашга ҳам қатнай бошлайди.

Шу пайтда Бухоро ҳукмдори, оғир касаликка дучор бўлган Нух ибн Мансур Сомонийни ёш табиб муваффақиятли даволаган ва бунинг эвазига амирнинг қатта кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга (996-997йй) бўлган.

Ибн Сино бу воқеани ўз таржимаи ҳолида қуйидагича тасвирлайди.

«Менинг олдимда илм эшиклари кенг очилди. Ёшим ўн саккизга тўлганда бор илмларнинг ҳаммасини эгалаб бўлган эдим. Уша кунларда илми ёлдан билар эдим, лекин ҳозирги кунда камолга етишда менинг билимларим ёшлагимда ўрганганларимдан иборат, ундан кейин янги бир нарса қўшилган йўқ».

Бу орада Бухорода сомонийлар сулоласининг ҳукмдорлиги тугатилгач, 1002 йилдан кейин ибн Сино Гурганча Хоразмшоҳ Абу Ҳасан Али ибн Маъмун (997-1009 йй) саройига келади. Кейинчалик у ерда Маъмун академиясининг энг фаол олимларидан бирига айланади. 1011 йили Султон Махмуа Ғазнавийнинг тазъқибидан қочиб, Гурганчни тарк этишга мажбур бўлади. У аввал Шимолий Хурсондаги Обиварда шаҳрига, у ердан Нишопурга, сўнг Гургонга, Султон Қобус ибн Вашмгир Зиёрий саройига боради. 1014 йили у ерни ҳам тарк этиб, Райга шох Маждулловла Рустам Бувайхий (997-1029йй)



саройга келиб, 1019 йили унинг вазири лавозимига кўтарилишига муяссар бўлади. 1021 йили Шамсуловлар вафот этгандан сўнг Ибн Сино айбланиб хибста олинади. 1023 йили хибсдан қутулиб Исфаҳонга Алсуддава Какуйя (1008-1041й) хузурига келади ва умрининг охиригача унинг хизматида бўлади. У 1037 йилда Ҳамадонда вафот этиб, ўша ерда дафн этилади.

Маълумки, ўрта аср олимларининг кўпчилиги қомусчи (энциклопедист) бўлган. Улар фаннинг турли соҳаларида иход қилганлар. Ибн Сино ҳам гарчи машхур табиб-медицина устои сифатида жаҳонга машхур бўлиш билан ном чиқарган бўлсада, бошқа фанилар билан ҳам шуғулланган. У 300 тача асар ёзган; «Тиб қонуналари» ва «Китоб аш-шифо» унинг энг йирик асарларидир. Бу асарларда астрономия геология, география, адабиёт, философия, биологияга оид ўз замонасига яраша илгор ва илмий мулоҳазалар бор. Бу мулоҳазаларини уч турухта ажратса бўлади: Биринчи – ўзидан илгари ўтган олимларнинг, асосан, қадимги юнон олимларининг айрим тўғри фикрларини маъқулаш ва Шарқ оламига тарқатишга доир мулоҳазалар; иккинчи – ўзидан бурун ўтган олимларнинг айрим нотўғри чалқаш фикрларини танқид қилиш ва ўзининг тўғри фикрларини олға суришга доир мулоҳазалар; учинчиси – ўз кузатишлари натижасида, Ўрта Осиё, Хуросон ва Эронда тушланган маҳаллий маълумотлар асосида тутилган янги фикрлар.

Ибн Синонинг 280 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, унинг 30 га яқинда табиий фанларга бағишланган. Ибн Сино аввало табиат фалсафасига баракали хисса қўшди. Унинг фалсафий қарашлари Абу Наср Форобий иходининг кучли таъсири остида шаклланган. Олим табиий-фалсафий қарашлари асосида, табиатдаги барча нарса ва ҳолисаларни пайдо бўлиши (келиб чиқиши) тартиби,

ўзаро муносабати, яъни бир-бирининг алоқдорлиги, ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини тадқиқ қилиш ётади. Олимнинг моддийлиги, бир бутунлиги, доимий ўзгаришда, ривожланишида эканлигини чуқур хис қилиш Ибн Сино фалсафий қарашининг энг ихобий жиҳатидир. Бинобарин, олим қарашларида материализм ва диалектика (чунончи, эволюцион ривожланиш) куртаклари бор.

Ибн Синонинг бу фалсафий қарашлари унинг геология, минерология, ботаникага оид асарларида тадқиқ қилинган ва янада ойдинлашган. Унинг «Китоби аш-Шифо» асарининг бир қисми «Табият» («Табиятшу-нослик» маъносига) деб аталади. Бу асарда минералларнинг ҳосил бўлиши, йирик рельеф шакллари – тоғлар, водийлар, текисликларнинг пайдо бўлиши тўғрисида жуда муҳим хулосалар бор. Масалан, у рельеф ҳосил бўлишида ташқи (экзоген) ва ички (эндоген) кучларнинг мавжудлигини ёзади.

Бу ҳақда олим куйидагича мулоҳаза юритади: «Чунки, ер қатлами, ер моддаларининг қаттиқ ва юмшоқ жойлари бўлади ва сув юмшоқ жойларини ювади ёки юмшоқ жойларини шамол ялайди, қаттиқ моддалар ажралиб қолади, натижада тепаликлар, тоғлар вужудга келади».

Шунингдек, у чўкинди жинсларнинг генезиси, текислик ҳамда пасттексисликларнинг ҳосил бўлишида регрессия ва трансгрессияларнинг роли ҳақида кенг ва аниқ маълумот беради.

Ибн Сино минералларнинг таснифини тузиш билан ҳам шуғулланган. Бунда у маълум минералларни 4 гуруҳга ажратади: 1-тошлар, 2-металлар, 3-олтинугуртли ёнувчи жинслар, 4-тузлар.

Ушбу тасниф минералларни хусусий белгилар бўйича аниқлаш ва тартибга солишга имкон берган. У ўз давридаги энг мукаммал тасниф ҳисобланиб, Европада ҳам мушхур бўлган ва деярли XVIII асрга қадар кенг қўлланиб келинган.

Ибн Сино Ернинг геологик тарихи тўғрисида қуйидагиларни айтган: «Ернинг (ҳозир)... инсон яшайдиган қисми ўтмиш замонларда ҳеч қим яшамайдиган ер бўлиб, денгизлар суви билан қўмилиб турган бўлса керак», «... тоғларда тошнинг қўлчилиги сабаб – олдин денгиз тагида бўлиб, сўнгра кўтарилгач, лой орасида қолиб кетганиги-дир», «...тоғларнинг баъзиси тахлангандай қатлам-қатлам бўлиб кўринадди. Бундай кўриниш, у тоғлар лойи бир замонлар шундай қатма-қат тахлангандай юзага келганидан бўлса керак», «...Текислик ва тоғликдан иборат қуруқлик устини аста-секин денгиз бостан, сўнгра текислик лойга айланган (юмшоқ жинс билан қопланган)... Тоғлардаги оралик қатламлар чўкинди бўлиши ҳам мумкин».

Бундай ҳодисалар ҳозирги геология фанида трансрессия ва регрессия, бурмаланиш ва чўкиндилар тўпланиши деб аталади ҳамда Ибн Сино фараз қилгандай таърифланади.

Олим Ер юзасидаги баландликлар, чуқурликларни, даралар, ажойиб-таройиб қояларни, шифобахш «қаламжойлар»ни бирон-бир илоҳий куч яратмаганилини, улар шамол, сув, қуёш нури, зилзилалар таъсирида юзага келганилини таъкидлаган. Ўша даврларда бу билимлар оламнинг яратилишига боғлиқ диний афсоналарга тамоман зид эди.

Ибн Синонинг иқлим, атмосфера ва метеорологик элементлар тўғрисидаги изоҳлари ҳам илмий нуқтаи назардан жуда тўғри. Олим, хавонинг таркиби мураккаб, у

ҳақиқий ҳаво (водород ва кислорода), сув бутлари, чанг, дуда ва олов бўлақчалари (углерод) аралашмасидан иборат деб билган.

«Бизни ўраб турган ҳаво (атмосфера)нинг ерга яқин турган қисми кўпроқ исийди. Ердан баландроқ қисми эса совуқроқ бўлади. Экваторнинг ўзи энг иссиқ жой эмас. Энг иссиқ жойлар экватордан шимолроқда – шимоллий тропик доирасига яқин жойдадир... Кеча-кундуз ичида ҳам энг иссиқ вақт аср намозидан кейинроқ бўлади. Шунингдек, энг иссиқ ой июнь эмас, балки июлга тўғри келади» деган Ибн Сино. Жойнинг иқлими нималарга боғлиқ, деган саволга жавобан: «Бу аҳоли пунктларнинг географик кенглиги, жойларнинг баланд-паслиги, тоғ ва денгизларга яқинлиги, шамоалар йўлида турганлиги ва тупроққа (яъни ер юзасига) боғлиқ» деган.

Ҳозирги замон фанида ҳам иқлим ҳосил қилувчи омиллар айни шу хилла изоҳланади. Демак, бу изоҳ ўша даврдаёқ фан қоидалари қаторига киритилган экан.

Ибн Сино табиб, файласуф, табиатшунос бўлибгина қолмасдан, у дурустгина шоир ҳам эди. Унинг лирик шеърларида образли ифодаланган ажойиб фикрлар, моҳирона ишлатилган ўхшатиш ва тасвирлар, мажоз ва метафораларни учратамиз.

У ёр кўнглининг қаттиқлиги, ўзининг сабрлилиги ҳақида шундай дейди:

«Менинг кўнглим ўта сабри бўлса, сенинг юрагинг жуда қаҳирли экан, менимча, иккимиз ҳам ишқда қаттиқ бир тош эканмиз».

Шоир ёр висолига етишув, унинг жамолини кўриб, бахтли бўлиш орузида ёзади:

– Эй мени хаста қилган гўзал! Менинг хасталигим сенинг қовоғингдадир. Шундай, улар мени ҳам хаста қилади, ҳам тузатади. Бахтли қилувчи василишти менга

инъом қил. Сенга етишолмасам ҳам, васлинига егишиб,  
қаноат қилиб тураман. Ахир, жавҳар (субстанция) ўрнини  
араз (акциденция) эгаллайди-ку (бу ерда шоир субстанция  
билан маъшукани, акциденция билан унинг висолига  
етишувни айтмоқчи).

Шоир ёр мадҳини қуйлаган сатрлари киши кўз  
ўнигида ёр висолини тавдалантиради. У ёрнинг сочини  
тунга, чиройини куёшга ўхшатиб, шундай дейди:

«Юзинг ҳуснини сақламоқ учун жамолиниги парда  
билан беркитиб, ёт кўзлардан асромқчилар. Мен эса  
пардани олиб ташлаб, юзингни очиб қўйиш билан  
чиройинг яши сақланади, деб биламан. Рост, куёш юзиги  
юпқа булут пардаси тўсгандагина уни кўриш мўмкин  
бўлганидай, сенинг чиройинг ҳам юзинг пардаси билан  
тўшиб қўйилган».

Бошқа бир ерда шоир ёр билан учрашган ёшлик,  
севилган дамлари, шод-хуррамлик чоғларини эслаб ёзади:

«Бу ерлар севишганларнинг жойлари-ку, эслай  
олмаётибсанми? Ўша сен кўрган нарсалардан асар ҳам  
қолмаганидан таниёлмаётибсанми? Ахир, кўз-ёшим  
селлари ёноқларимда ажилар пайдо бўлгани каби, бу  
ердаги вайроналарини ҳам селлар ювиб кетган. Шундай  
бу ердаги нарсалар худди менинг порлоқ ёшлигим  
ўрнини эгаллагани каби, оқ чечаклар (яъни оқ соч) каби,  
йўқ бўлиб кетди.

Чакка сочларнинг оқ ранг олгани-чи? Улар худди  
мени кўрқитмоқчи, огоҳлангирмоқчига ўхшайди. Менга,  
оқ сочларингнинг бўя, дейтиди. Мен уларга:  
тирикликдаги оқликни ёмон кўраман-у, ўлгандан кейинги  
оқликни нега мен ёмон кўраман, дедим» (Бу ерда шоир  
соқол бўлишни, соқол оқарганини бекитишга кўмишга  
ўхшатапти).

Шундай қилиб, ўзининг кўп қиррали ижоди билан  
фаннинг турли соҳаларини қамраб ололганлиги Абу Али  
Ибн Синога табиатни ҳар томонлама тушуниш, инсон ва  
унинг психикасига чуқурроқ кириб бориш имкониятини  
берди. У умри давомида кўп адолатсизликларни кўрди,  
дарбадарликда кезиб юрди, турли табақа кишилар билан  
муносабатда бўлди. Олим элементар фанлардан тортиб,  
инсон руҳида юз берадиган жараёнларни ҳам кузагди,  
унинг дунёқараш меҳнаткаш олиманинг сермашаққат  
турмушини кузатиш таъсиринида шаклланади.

Ўрта аср шароитида олимнинг шаҳарма-шаҳар,  
ўлкама-ўлка дарбадар бўлиб юриши унинг билим  
донрасиянинг кенг бўлишига тўсқинлик қилар эди. Ибн  
Синонинг халқ орасида жуда машҳур бўлишига сабаб  
шунда эдики, у даврининг энг илгор тояларига эрташиб  
фанин ўзининг янги фикр ва хулосалари билан янада  
бойлгди. Улуғ сиймо фан ва санъат тарихида, жазонда  
чўқур из қолдирди. Буюк донишманднинг бадий,  
фалсафий асарлари Шарқ ва Ғарб тафаккурининг жуда  
кўп намоёндалари ижодига самарали таъсир кўрсатди.

Буюк сиймо олдига қўйган мақсадига эришди. У ўз  
ижоди билан кишиларда илм-маърифатга нисбаган  
хурмат ва интилиш уйғота олди. У кишиларни ақл билан  
иш кўришга, олижаноб хусусиятларини ўзида  
муҷассамлаштиришга ўргатди. Шу тариқа олимнинг  
инсоният оддида қилган меҳнатлари беқийёсдир. Чунки  
фикрлилик, кучли мантиқ, кўп қиррали илмий ва  
ижтимоий фаолияти, бадий фантазиянинг бойлиги –  
буларнинг ҳаммаси Ибн Сино сиймосининг ажралмас  
хусусиятларидир.

Умуман, Ибн Сино ўзи шуғулланган фан  
соҳаларининг қарийиб ҳар бирида сезиларли из қолдирди,  
ўз даври фани учун илгор бўлган тояларни илгари сурди.  
Жумладан, астрономик асбоблар ясаш соҳасида XI асрдан  
«Нониус» деб аталаган асбобни ихтиро қилди: табиий фан  
соҳаларида зилзила, вулқонлар, тоғларнинг пайдо

бўлиши ҳақида хозирги геологияда ўз тасдиғини толган назарияларни таклиф қилди, молаларнинг таснифи, илмлар таснифини ишлаб чиқди. Табобат соҳасида диагностика, терапия ва жарроҳликда янги ва эффектив ташхис ва даволаш усулларни ишлаб чиқдики, уларнинг баъзилари кейинчалик Европа мамлакаатларида қайта кашф қилинди. Трахеотомия чиққан елка суягини тўғрилаш, қанд касаллигининг ташхиси шулар жумласидандир.

Фалсафий асарларида Ибн Сино классик юнон фалсафасининг давомчиси сифатида уни янги ғоялар билан бойитди.

1980 йилда Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги барча мамлакаатларда нишонланди. Улуғ сиймонинг хозирги замон фанлари геология, география, иқлимшунослик ва бошқа кўплаб соҳаларда қўлланилаётган бир қанча қонуният ва тушунчаларни яратишга қўшган ҳиссаси ана шу юбилейда ҳам муносиб равишда тақдирланди.

Ибн Синонинг фикрича, фан инсониятга хизмат қилиши, олимлар табиат қонуинларини очишлари ва ўз билимларини келажак авлодларга мерос қилиб қолдиришлари керак. Улуғ мутафаккир кишиларни фан ва маданият, билим ва маърифат оловини ёқитишга, илм йўлида отинмай камолат ҳосил қилишга, ҳар бир масалага фан нуқтаи назардан ёндашишга, ростўй, вижадонли бўлишга, хуллаас, инсоннинг энг яхши хислатларини ўзида мужассамлаштиришга ва инсон деган улуғ номни янада юқори кўтаришга чақирган. Олимнинг ўзи бу йўлда кишиларга намуна кўрсатиб, ўз давридаги фан ютуқларини тинмай ўрганган.

## МАҲМУД ҚОШҒАРИЙ

Маҳмуднинг тўлиқ исми – Маҳмуд Хусайн ибн Муҳаммад. Унинг буvasи Муҳаммад ва отаси Хусайн Иссиқ кўл бўйидаги Барстон шаҳридан бўлган. Отаси хизмат юзасидан бўлса керак, Барстондан Қашқарга кўчган ва шу ерда яшаб қолган. Шунинг учун Маҳмуднинг исми Қошғарий бўлиб кетган. Бу йирик сиймонинг тутилган йили номмаълум. Аммо унинг XI асрнинг йигирманчи йилларида туғилиб, сақсонинчи йилларида вафот этган, деган тахминлар бор. XI асрда Ўрта Осиёда, Бухоро, Самарқанд ва Шош водийсида, шунингдек, Иссиқкўл ҳудудида ва Қашқарда – Қорахонийлар давлатининг пойтахтларида ҳам йирик илм-маърифат марказлари бўлган.

Маълумки, илгарилари ҳукмрон доиралар ва уларнинг фарзандларитига билим олиш имкониятига эга бўлганлар.

Маҳмуд Қошғарий ёшлигида атоқли олимларда таълим олган. Кейин билим доирасини кенгайтириш, саёҳат қилиб дунё кўриш мақсадида аввало Бухорога келган, Самарқанд, Марв, Нишопур шаҳарларида бўлган.

Бухоро XI асрда Шарқнинг энг йирик илмий ва маданий маркази бўлиб ҳисобланган. «Бухоро мактаби» Қошғарийнинг Бухорода яшаган даври унинг кейинги ижодига ижобий таъсир кўрсатган бўлиши керак.


Қошғарий Бухородан Бағдод шаҳрига келган, бу ерда бир неча йил яшаган; араб тили ва адабиётининг энг нозик хусусиятларини шу ерда ўрганиб олганлиги шубҳасиздир. У Бағдоддан ўз ватанига қайтиб келгач, ўз она тилида адабий ёдюрлик қолдириш учун бўлса керак, қатта дугаг тузишга киришган, шу мақсадда бир неча

йиллар давомида «Румдан-Мочингача» - Қора денгиз бўйларидан то Хитойгача сайёҳат қилган: турли қабилалар, ўлкалар, тоғу чўл, шаҳару қишлоқларни кезган. Махмуа Ўрта Осиёда ҳам кўп йиллар юрган. Мовароуннахр, Хоразм, Фарғона, Бухоро каби кенг хулуларда айланиб, уларда яшаган халқлар, уларнинг тиллари, урф-одатлари, касбларини ўрганган. Бу илмий асар Қошғарийнинг анча умрини банд қилган. Шу сабабли муаллифнинг ўзи ҳам «Бу китоб умримнинг охирига етказди», деб ёзади.

Қошғарийнинг «Девону лугатит турк» асари қачон, қаерда ёзилган-лиги ҳақида ҳар хил фикрлар бор. Айрим муаллифлар (А.Ирисов ва бошқалар) асарни 1068 йилда ёзилган, муаллиф Х.Хасанов яна бошқалар асарни 1072 йилда ёзиша киришган ва уни 1074 йилда ёзиб тугатилган-лигини айтади. Шунингдек, бу асарни қаерда ёзилганлиги тўғрисида ҳар хил фикрлар бор. Шарқшуносларнинг кўпчилиги бу шох асар «Бағдодда ёзилган бўлиши эҳтимол», деган фикрда. Тарихчи-географлардан профессор Х.Хасанов, асар Бағдод шаҳрида эмас, балки Ўрта Осиёда ёзилган бўлиши керак, деб ёзади.

Ўзбек тилшунос олими Солихқори Муталибоев «Девони»нинг мавзусини ва мазмунини кўп йиллар давомида ўрганиб, ўзбек тилига тўлиқ таржима қилган. Бу таржимадан фойдаланиб барча республика-мизлати тилшунослар «Девон»ни синчиклаб ўрганмоқдалар, ундан жуда муҳим янги маълумотлар топмоқдалар.

XI асрнинг туркшунос олим<sup>2</sup>и ва қомусчиси Махмуа Қошғарийнинг «Девони лугатит турк» асари Ўрта Осиё географиясига доир нодинр манбалардан биридир. Асарнинг географик аҳамияти шундан иборатки, унда биринчидан оригинал дунё картаси берилган;



Махмуа Қошғарий тўзган дунё картаси

иккинчидан, бутун Евросиё ва шимолий ҳамда Шарқий Африкадаги жуда кўплаб географик объектлар – жой номлари келтирилган ва изоҳланган; учинчидан Ўрта Осиё ва унга туташ хулуларда яшовчи қабилалар географияси акс эттирилган; тўртинчидан географик атамалар тўпланиб, улар кенг изоҳланган. Биз қуйида Қошғарийнинг географик мероси ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз.

Қошғарийнинг географик мероси қуйилагиларни ўз ичига олади:

1) «Девон»да берилган табиий географик терминлар ва уларнинг изоҳи;

2) «Девону лутогит турк»ка илова қилинган лунё картаси

3) «Девон»да учрайдиган жой номлари ва уларнинг изоҳи;

4) Ўрта Осиёда айрим қабилаларнинг жойлашиши ҳақидаги «аҳоли географияси»га доир маълумотлар.

5) «Девон»даги астрономик маълумотлар, тавқим (календар), системаси – мучаллар ва уларнинг тарихи.

Қошғарий асаридagi география терминлари.

Маҳмуд Қошғарийнинг табиий географик терминологияга оид маълумотларида: арик, буз (муз), булут, ёз, ёмғир, куз, кўк, кўл, орт (ловон), сел, сув, сувлоқ, тош, туман, унғур, яйлоқ, қайир, қиш, қор, қўлтиқ, қум каби ҳозирги замон табиий географиясида қўлланиладиган атамалар келтирилган ва изоҳланган. Бунда айниқса тоғ атамаси, сув атамалари ва об-ҳаво ҳамда иқлим билан боғлиқ атамалар кўплаб келтирилган. Бу сўзларнинг баъзилари VII асрга мансуб ўрхун ёзувларида учрайди. Ўрта Осиёда XI асрдak бун сўзлар бўлганлиги ва уларнинг ҳозирда ҳам ишлатилиши тилимизнинг асосий луғат таркибидa эканлигидан dalolat беради.

Маҳмуд Қошғарийнинг ўлка табиий географияга оид тасавурлари «Девон»га илова қилинган, доиравий дунё картасида Ўрта Осиёнинг Евросиёда тутган ўрни ва йirik географик объектлари анча тўғри кўрсатилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг тасвирлашча, Ўрта Осиё ер юзаси жиҳатидан икки қисмдан иборат: тоғлик қисм ва текислик қисмлардан иборат. Тоғлик қисми ҳозирги Қозонистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Қашқар ўлкаларига тўғри келади. Шимоли-ғарбидagi битта тоғ номигана Жабали Қорачук деб ёзилган, бошқаларнинг ёзуви йўқ. Ер

юзасининг маркази қилиб Қорахонийлар давлатининг пойтахти, сиёсий, илм-маданият маркази Боласогун шаҳри олинган. X-XI асрларда, ҳақиқатан ҳам, Боласогун йirik шаҳар бўлган. Бу шаҳарни ҳозирги географик карталардан топилмайди, ҳатто археологик карталарда ҳам унинг ўрни аниқ эмас. Кўпчилик олимларнинг фикрича, у Тўқмоқ шаҳри ёнида бўлган. Боласогун, баъзи олимлар айтганидек, X асрлагини бунёдга келган эмас. У ундап илгари ҳам бўлган, эҳтимол, у вақтда бошқача аталгандир. XII асрда бу ерга Хоразмшоҳ бостириб келган, 1218 йилда уни Чингизхон истило қилган; XIV аср охирида бу шаҳар найронага айланттирилган.

Боласогун шаҳрининг энг қадимги номи Бикланг, Мўғулга номи Ғуболинг (Ўзал шаҳар), маҳаллий (чигил ва артуча) номлари Қузулиш, Қузўрду. Бу шаҳар ёнида, тоғлар орасидаги кўл бўйида, Барстон шаҳри жойлашган. Аниқлашчи, Барстон ёки Барасхон шаҳри ҳозирги Иссыккўл бўйида, унинг жануби-шарқий бурчагида, Кўйсара яқинида бўлган.

Қошғарий картасида Барстон ёнидаги кўлнинг номи ёзилмаган, аммо «Девон» мавзусида у Иссыккўл деб аталган.

Маҳмуд Қошғарий картасида Ўрта Осиё куйидагича тасвирланган. Сирдарё, гарчи номи ёзилмаган бўлсада, жуда аниқ чизилган. У икки тоғдан сув олади, бир ирмоғи – «Ябоку суви» Қошғар тоғларидан чиқиб, Фарғона билан Ўзганд орасидан оқади, бу – ҳозирги Қораларё (карта схемада) 11-рақам билан кўрсатилган; иккинчи ирмоғи шимолдаги Кўчинқарбоши ёнидаги тоғлардан бошланиб, Косонсой аҳоли пункти ёнидан ўтали (Норин суви, карта схемада 10); сўнгра улар бирлашиб, Фарғона водийсининг Марғилон, Хўжаи шаҳарлари оралинидан оқиб ўтиб,

шимолга бурилади. Топкент Шарқ томонда қолади, куйи оқими Жаңа шаҳри ёнидан ўтади.

Амударё ҳам йирик ирмоқларидан ҳосил бўлган. Улардан бири (14) Қонпор чегарасидаги тоғлардан (Сурхоб-Вахш) иккинчиси (15) Кашмир чегарасидаги тоғлардан (Вахондараё-Панж) бошланиб, Афғонистон чегарасида кўшилиб, шимол-ғарбга оқади ва Хоразм ёнидан ўтади. Бу иккала дарё ўртасидаги узун тоғ (5) – Олой, Туркистон, Зарафшон тизмалари Жайхун ғарбидаги қумлар (8) – Қорақум ўз ўрнига тушган.

Маҳмуа Қошғарий картасида йўл кўйилган хаго-мазкур дарёларнинг Обисқун (Каспий) денгизга кўйилишидир. Аммо XV-XVI асрларда бу дарёларнинг Каспийга кўйилиши ҳақида ривоятлар борлиги ҳақида маълумотлар бор.

Шош (Тошкент) билан Косон орасидаги номи ёзилмаган шаҳарлар (схемала 1,2,3,4 рақамлар билан бошланган) Чиночкат (1), Банокат(2), Тункат, яъни Илоқ (3), Ахсикат (4), (6) билан кўрсатилган Ўш ва (7) билан кўрсатилган Бухоро бўлиши керак. Схемادا Амударё бошларида (9) рақам билан кўрсатилган жой ҳозирги Тожикистон деган фикрдамиз. Қадимги Хатлон, Чағониён ва Тухористон унинг йирик шаҳарларидир. 12 – Фарғона тизмаси, 13 – Чотқол тоғлари, 16 – Талос тоғлари бўлиши керак. Испижобдан шимол томонда «жабали Қорачуқ» Қорачуқ номли кишлоқ ҳозирда ҳам бор – Туркистон шаҳри чеккасида. «Девону луготит турк» асарига илова қилинган дунё картасининг энг марказий секторига Осиё қитъасининг шарқий мамлакатлари – Марказий Осиё тасвирланган. «Уйғур вилоятда бешта шаҳар бўлиб, ...булар Сулми, Кўжу, Жабалик, Бешбалик, Янгибалик, шаҳарларидир... Уйғурларнинг энг кагга шаҳри Бешбалиқдир». «Балик» суви жоҳидия давридаги

турклар ва уйғурлар тилида «шаҳар» маъносида ишлатилганлигидан, Бешбалик – «Беш шаҳар», Янгибалик – «Янги шаҳар» деб тушуналиши зарур.

Япония (Жобарқо) картанинг энг шарқий чеккасида ёзилган; бу жойни Япония эканлигини В.В.Бартолд ҳам айтган. XVII асрда ижод қилган муаллиф Абулқосимнинг Жобар ороллари серёмғирлиги тўртасидаги ахбороти ҳам Маҳмуа Қошғарий картасидаги Жобарқо ҳақиқатан ҳам Япония бўлиши керак, деган фикрни қувватлайди.

Жанубий Осиё Тибет сўзи картада ёзилмаган, аммо мавзуда Тибетнинг таърифи берилган: «Тубут – Шарқ томони Чин (Хитой), ғарб томони Кашмир, шимол томони Уйғур эллари, жануб томони эса Хинд денгизидир»;

Картанинг жанубий-шарқий чеккасидаги ярим доира – Садди Зулқарнайни (Искандар Зулқарнайн девори) ичига «Арзи Яъжуж ва Маъжуж» деб ёзилган. Бу афсонавий ер. Қадимий афсоналарда айтилишича, узоқ-узоқларда Яъжуж ва Маъжуж деб аталган ёввойи ва очкўз қабилалар яшаган; Искандар Зулқарнай (Александр Македонский) уларни енган ва ўз ерини темир дарвозали баланд девор билан тўсиб қўйган. Европа сайёҳи Марко Поло.

Эрон, Ироқ, Арабистон, Марказий Африка (Барбар, Зутт, Хабаша, Занж), Шимолий Африка (Қайрувон ва бошқалар, Миср, Искандария, Магриб) ва Испания (Андалуc) тасвирланган. Энг чекка ғарбда, оқсан бўйлаб «Харорат галаба қилганидан у ерда одамзод яшмайди» дейилган, бу – Саҳрои Кабир ерлари ва экваторнинг лим жойларидир.

Картанинг энг шимолида Шимолий Осиё (Ғарбий ва Шарқий Сибир). Бу ерда «Эртиш водийси» – Ирғиш дарёси ва бир қанча лаштлар бор.

Картада «Хотинлар мамлакати» деб ёзилган жой бор. Шарқ ва Ғарб мамлакагларидан ҳам «Хотинлар мамлакати» тўғрисида афсоналар бор. Геродот, Страбон, Арриан ва бошқаларнинг асарларида Кичик Осиёдаги аллақандай «чавандоз аёллар», «эр ёқмас хотинлар» гуруҳи борлиги ҳикоя қилинган. Колумб ҳам бир оролнинг нуқул хотинлардан иборатлигини ёзган. Ҳатто эраминини IV асрида Венециялик савдогар Косма Индикополов бу фикрларни «Христианлар топографияси» номли асарига илова қилган. Унинг картасида ҳам тасвирланган бу жойнинг «географик ўрни» ғарбдан шарққа сурилавериб, ниҳоят йўқ бўлиб кетган. Қошғарий ҳам Узоқ Осиё чеккасига «Хотинлар мамлакати» деб ёзиб қўйган.

Маҳмуд Қошғарийнинг бу схематик картани қандай чизганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бизнингча, Қошғарий аввал бир доира ясаб, унинг агрофили океан билан ўраган. Сўнгра доиранинг сиртига дунё томонларини белгилаб чиққан, кейин тоғлар, сув объектлари (кўл, денгизлар), аҳоли пунктлари ва мамлакатлар тасвирлаш натижасида карта ҳосил бўлган.

Қошғарий «Девон»нинг тадқиқотчиларидан С.Умрзоқовнинг фикрича, асарга илова қилган картада Ўрта Осиёнинг бошқа қисмларига нисбатан ҳозирги Қирғизистон табиати анча тўлиқ тасвирланган.

«Девону лутоғит турк» асарига илова қилинган дунё картасида Марказий Осиё, Япония (Жобарқо) Жанубий Осиё, Европа ва Шимолий Осиё худудлари географиясини бевосита акс эттириши билангина эмас, балки, география атамаси нуқтан назаридан ҳам жуда муҳим бўлиб, бу асар илмий манба сифатида маълум тарихий ва географик аҳамиятга эгадир.

## УЛУҒБЕК

*Дин тумандек тарҳаб кетади,  
подиоликлар емиршайди, аммо  
олимларнинг иши абадий қолади.*  
Мирзо Улуғбек



Улуғбек 1394 йилнинг 22 мартида бобоси Амир Темурнинг харбий юришлари пайтида хозирги Эроннинг Султония шаҳрида туғилган. Темур одатига кўра унинг ҳамма набиралари Сарой мухитида Темурнинг катта хотини Сароймулк хоним тарбиясига топширилди. Улуғбек тўрт яшар бўлганда унга машҳур олим Шайх Озарий муаллим қилиб тайинланади. Ёшлик чоғидан Улуғбек бобоси Темур ва бибиси Сароймулк хоним билан Арманистон, Закавказье, Қобул, Эрон ва Ҳиндистон каби кўпгина мамлакатларда бўлган. Улуғбек Самарқанда бобосининг элчиларни қабул қилишида ва олимлар йигилишида қатнашар давлат ва илмий ишларидан хабардор бўлиб турар эди. Бу учрашувлар ёш Улуғбекнинг маданий, давлат ва илмий жиҳатидан камол топишига таъсир кўрсатарди.

Амир Темур вафотидан (1405 йил 18 феврал) сўнг Улуғбек отаси Шохруҳ Мирзо ҳузурида бўлади ва бир неча бор унинг харбий юришларида қатнашади ҳамда отаси Хиротда яратган кутубхонада нодир кўлэма ва нодир хитобларни, жумладан, Аристотел, Гиппарх, Птоломей каби олимларни асарларини ўрганган. Ватандошлари ал-

Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа олимларнинг илмий асарларини кунг билан ўрганиб чиққан.

Улутбек 15 ёшга тўлганда Мовароуннахр ҳукмдори деб эълон қилинган. Шунинг учун Самарқанддаги ҳақиқий ҳокимият Улутбекнинг васийи (оталиги) амир Шоҳмаликка топширилган. У Улутбек 17 ёшга тўлгунча Шохруҳ Мирзо (Хирот шаҳри Хуросон давлатининг ҳукмдори эди) Самарқандни Улутбек номидан бошқариб турган. Улутбек васийдан ҳолос бўлгач, Мовароуннахр ва унга ёқдош вилоятларга ҳукмдор бўлиб қолади. Бу даврда Хоразмда Темурийларнинг ҳокимияти Шохруҳ ва Шоҳмалик томонидан қайта тикланди. Хоразмга амир Шоҳмалик Шохруҳ томонидан ноиб қилиб тайинланади. Фарғонани мўтуллар талаганлиги натижасида ва Фарғона ҳокими Мирак Аҳмад таслим бўлгандан кейин бу вилоят (1414 й) Улутбек мулкларига қўшиб олинди.

Улутбек ҳукмдорлиги даврида ҳарбий босқинчилик юришлар олиб бормади. У ўз ҳаётида кўпроқ маданий ва илмий муассасалар қуриш, мамлакатга маърифат ва маданиятни тараққий эттириш йўлини тутди.

Улутбек ўз давлатининг маданий марказлари бўлган Бухоро (1417 й) Самарқанд (1420 й), Ғиждувонда (1433 й) мадрасалар қурдириб, илмий ижтимоий ривожига катта аҳамият берди.

Улутбекнинг илмий мерослари: «Зиж», «Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Рисолаи Улутбек» номли математик рисола; ва мўтул давлатининг тарихига оид «Тарихи арбаъ улус» номли асарлар ёганлиги маълум.

Улутбекнинг бутун дунё миқёсида унга шухрат келтирган асосий асари «Зиж», «Зиж Улутбек», «Зиж Султоний» ва «Зиж жадиди Кўрагоний» номлар билан

аталади. Маълумки «Зиж Кўрагоний»да юлдузлар жадалли билан бирга ер юзасидаги шаҳарларнинг географик координатлари ҳам кўрсатилган. Унинг жадаллида координаталар Холидог оролларидаги ҳисобланган ва ҳозирги Гринвичдан 23-34<sup>га</sup> фарқ қилади. Улутбек Самарқанднинг узунлигини 99<sup>о</sup> деган. Улутбек шаҳарларнинг кенгликларини экватордан бошлаб ҳисоблаган. Унинг кузатишига кўра, Самарқанд 39°37'23'' кенгликда жойлашган. Птоломей кузатишига кўра, Самарқанд анча шимолда жойлашган. Шунинг учун Улутбек ўз олдига ўтмишдош картограф, астрономларнинг тузган жадалларида Самарқанднинг жойлашган кенглигини аниқлаштириш вазифасини ҳам қўйган. Улутбек «Зиж» асарини ёишда ана шу муаммоларни ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Афсуски, Улутбекнинг илгор тадбирлари ва илмий фаолияти мусулмон рухонийлари томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Тарихнинг аччиқ тақозоси билан забармаст сиймо, буюк олим бир тўда ғаламислар иввоси билан ўз ўғли томонидан қатла қилидириди. Бу дахшатли воқеа бундай юз берди.

1448 йил баҳорида Тарнобада Алоудвала (Темурийлардан Бойсунқурнинг ўғли) кўшини билан Улутбек кўшини орасида тўқнашув бўлади ва Улутбек кўшини ғалаба қилади. Улутбек ўғли Абдулатифни Хиротда қолидириб, ўзи Самарқандга кетади.

Тарнобадаги жангда Улутбек кўшини ўнг томонини кенжа ўғли Абдулазиз, чап томонини кагта ўғли Абдулатиф бошқарган эди. Улутбек ғалабани Абдулазизнинг номига эълон қилади. Шу Абдулатифнинг исзаат-нафсила тетади. Бундан ташқари, Улутбек Абдулатифнинг Хирот қалъасидаги мол-муқини давлатники, деб эълон қилади. Мана шу икки воқеадан

Улутбек душманлари Абдулатифни ўз отасига қарши қўйишда усталлик билан фойдаланишлади.

1449 йил кузида Абдулатифнинг қўшнлари Самарқанд атрофида отаси Улутбекнинг қўшнларига ҳужум қилиб етгади. Абдулазиз билан Улутбекни шахарга киритмайди. Улар Шохруҳия қалъасига йўл олишади, аммо уларни бу ерга ҳам киритишмайди. Улутбек Самарқандга қайтишга мажбур бўлади.

Самарқандда эса Абдулатифни Улутбекнинг душманлари отасига қарши қайраб қўйишган эди. Уларнинг маслаҳатларига кўра, Абдулатиф отасини Мақкага бориб келишга кўнради. Улутбекнинг бошқа иложи йўқ эди. У кичкина қарвон билан Маккаи Мукаррамата йўл олади. Бироқ, унинг кетидан чопар келиб, Абдулатиф тўхтаб туришини буюртганини айтади. Улутбек Самарқанд чеккасидаги кичик бир қишлоқда тўхтади. Кечта яқин Улутбеклар тўхтаган ховида Аббос исмли бир кимса кириб келади. У шериги билан Улутбекнинг қўлларини боғлайди ва ховлига олиб чиқиб, бошини танидан жуло қилади. Бу 1449 йилнинг 25 октябрда рўй беради. Шунда Улутбек 56 ёшга кирган эди.

Зотан Улутбек бобомизнинг ўзи таърифлаганидек, подшолик емирилиб, ўтмиш дунё ўтиб кетмоқда, аммо олимнинг иши абадул-абад қолажак.

## АЛИ ҚУШЧИ

Аловулдин Али ибн Мухаммад Самарқандий тахаллуси Али Қушчи 1402 йилда туғилган ва 1474 йилда вафот этган. У Улутбекнинг истеъдодли шогирди ва олим ишнинг давомчисиدير.

Али Қушчи ёшлик давриданоқ илм олишга жуда қизиққан. Қобилиятли бўлгани учун Улутбек бу ёш олимнинг камолатга етишига сабабчи бўлади. Али Қушчи асосан Самарқандда илм олиб, сўнг маълум вақт Эроннинг Қирмон шаҳрига бориб олимлардан дарс олади.

Улутбекнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлган Али Қушчи унинг фармони билан Хитойга, илмий саёхатга жўнатилади. Саёхат натижасида буюк олим ер тузилиши - география ва астрономияга оид муҳим фактик маълумотлар йиғиб келади.

Улутбек қағл этилгач, реакцияон қора кучлар буюк олимнинг илмий меросига, илмий хазинасига ҳужум қиладилар, илм аҳиллари таъкиб этилади. Али Қушчи «ҳаж қилиш»ни баҳона қилиб, Табризга, Узун Ҳасан ҳузурига келади. У ердан Узун Ҳасан илтимоси билан элчи сифатида Истанбулга икки юздан ортиқ уруғ-аймоғу, яқин кишилари билан бирга Султон Мухаммад Фотиҳ ҳузурига келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаб қолади.

Истанбулда Али Қушчини кагга эҳтиром ва ҳурмат билан қабул қиладилар. Султон унга икки юз танга маош белгилайди, олим Истанбулдаги энг йирик ўқув юрти ва илмий муассаса ҳисобланган Ая София жомесининг мудури лавозимида 2 йил чамаси ишлаб, бугун мадараса дастурларини тартибга солган, математика, астрономиядан дарс беради. Туркияда илм-маърифатнинг

ушишга катта хисса қўшган. Унинг қўлидан деярли ҳар ойда битта асар чиққан. У рисолавислиги билан Жамшид ва Қозизода Румий каби зиёлиларни ҳайрағда қолдирган.

Олимнинг математикага, астрономияга оид рисола асарларни, тарих китоби, саҳатнома, фалсафа масалалари, тилшунослик, лугатларни... хатотлар кўчириб, талабалар эса ўқиб улгиролмасди;

Али Қўшчининг «XV аср Бағлимуси» (Птолемей) деб аталиши бежиз эмас. У астрономия, математика, география, картографияга, ҳатто араб тили грамматикасига доир қўлматбаҳо асарларнинг муаллифидир. Ҳам дипломат, ҳам муаллим бўлган Али Қўшчи Самарқанда обсерваториясининг илмий меросини сақлаб қолган ва жаҳонга маълум қилган ватандошимиздир.

Али Қўшчи Шарқ оламида шу қадам машҳур бўлганки, у бир-биридан шарафли ном, лақаб ва унвонлар билан улуғланган: «Баҳри улм ва манбаи ирфон Али Қўшчи» (Илм дегизи ва ирфон булони Али Қўшчи); «Ал-Вали ул-уламо Али Қўшчи»; «Ал-Вали Уломондин Али Қўшчи»; «Ал-уламо ал Тоҳирин Аловуддин ал-Қўшчи»; «Зайиқдин ал-Қўшчи» (Дин кўрки Али Қўшчи) ва бошқалар. Али Қўшчининг отаси теурийлар аълоидан бўлган, унинг ёшида ва етуқлик йиллари Самарқанда ўтган. Уни Улугбек саройида қарчигайлар боққани учун «Қўшчи» дейишган.

Али Қўшчининг табиий фанларга доир катта-кичик оригинал асарлари жуда кўп бўлган.

Самарқандда яшанган вақтида Али Қўшчи жуда кўп хусусан, астрономия масалаларини талқин этувчи асарлар, жумладан, кўп олимларнинг фикрича, йипирмага яқин фандан баҳс этувчи «Маҳбуб ал Ҳамойил фи кашф ал масойил» (Масалаларни ечишда сеvimли камар), «Рисола

дар илми хайъат», «Рисолайи ҳисоб», «Шарҳи кофия», «Шарҳи шофия», «Илми сарф» каби қатор асарлар ёзган.

Кирмон (Эрон) шаҳрида бўлган вақтида Насируддин Тусийнинг «Ғажрид» номли асарига шарҳ ва ўзининг «Рисола ашкол ал қамар» номли астрономияга оид асарини ёзиб, Улугбекка тортиқ қилган. Али Қўшчи бу асарни олти қисмга бўлади. Бунда маъжудотга умумий бўлган асарлар: воситасиз, ўз-ўзидан бор бўлган нарсалар, ва бирон восита орқали бор бўладиган нарсалар, раҳбарлик, бошлик, подшоҳлик каби масалалар ҳақида фикр юритган.

Али Қўшчи Истанбулда бўлган вақтида Султон Маҳаммад Фотихга атаб, «Рисолаи фатҳия» номли астрономияга оид ва яна бир «Тарихи Ая София» номли тарихий асарини ёзган.

Али Қўшчининг яна бир таллашган асари «Рисола дар илми хайъат» дир. Бу китоб бир муқаддима ва икки мақола билан ёзилган. Муқаддима икки бошланғич маълумотлар берилади. Биринчи қисмида атамалар, иккинчи қисмида табиий жисмлар сўзланади.

Биринчи мақолада олий жисмлар ҳақида фикр юритилиб, бу олти бобга бўлинади.

Иккинчи мақола эса ернинг тузилиши ва бўлинишидан иборат баҳсларга ва ўн бир бобга бўлинган. Бу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Ташкент Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Али Қўшчининг яна бир асари «Рисолаи ҳисоби» (Рисолаи Муҳаммадия)дир. Бу асар муқаддимасида ёзилишича, ҳисоб илмига оид бўлган бу рисола уч мақоладан иборат.


Биринчи мақолада ҳиндларнинг ҳисоб юритиш қондалари баён қилинади, у бир муқаддима ва икки бобга бўлинади.

Иккинчи мақолада эса астрономларнинг ҳисоб юритиш усуллари баён қилинади, у ҳам бир муқаддима ва оли бобга бўлинади. Бу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Али Қушчининг астрономик асарларида Ер шари, иқлимлар, координаталар ва мамлакатлар тўғрисида муҳим маълумотлар бор. Масалан, «Астрономияга оид рисола»даги иккинчи мақоланинг бир қисми Ернинг шакли, Ернинг иқлимларга бўлинишига бағишланган.

«Ер кура (шар) шаклида бўлиб, саҳнининг (юзасининг) асосини сув қоплаган. Ер саҳнининг ободонлик қисмини «рубъи маскун» - одамлар яшайдиган чорак лейдилар. Ер тўртга иккита шимолий ва иккита жанубий чоракка бўлинади. Субҳ – кун чиқиш томонида офтоб чиқишидан пайдо бўладиган ёруғлик. Шафақ – кун ботиш томонида офтоб ботгандан кейин қоладиган ёруғликдир».

«Астрономияга оид рисола»нинг иқлимлар баёнида дунё картаси чизилган.



Али Қушчи тuzган дунё картаси

Карталарнинг энг мукаммали асарнинг 1457 йилиги нусхасидан топилган («Рисолаи фил хайъа», Истанбулдаги Али София кутубхонаси).

Картада асосан шимолий яримшар чегаралари кўрсатилган, кўндаланг чизиклар-иқлимлар чегарасидир. Экваторнинг шарқий яримшардаги узунлиги «3332 фарсанг» тахминан 20 минг км.га тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Карта бир мунча схематик тuzилган, албатта. Унинг мос (мувофиқ) келмайдиган жойлари ҳам бор. Шунга қарамай, у Ўрта Осиё картографиясининг бир намунаси бўлиб ҳисобланади. У географ сифатида Ер 1<sup>о</sup> ейининг узунлигини ва шу орқали экватор узунлигини аниқлаган, Ернинг шакли ва ҳаракатига оид тўғри фикрлар баён этилган. Масалан, у Ер шари ғарбдан шарққа томон ҳаракат қилиши (айланиши)ни, осмон ёриткичлари шарқдан чикиб ғарбга ботгандай туюлиши билан осонгина исботлайди. Бундан ташқари, олим Ой ва Куёш тuzтилиши ҳолисасини ҳам илмий жиҳатдан жуда тўғри тuzунтириб берган. Унинг бу фикрлари ҳозирги замон географияси, картография фанларида уз қимматини сақлаган.

Али Қушчининг юкоридаги илмий мероси, барча асарларидаги фикрлари ҳозирги давр фанларининг ривожланишига кагга хисса қўшганилиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБИР

3.М.Бобир (1483-1530 йй)

Темурий ҳукмдорларнинг Ўрта Осиёдаги сўнги вакили Аҳмадхон шаҳрида туғилган. Отаси Умар Шайх вафот этган, у 12 ёшида Фарғона вилояти ҳокими бўлган, жасур ва довораклиги учун «Бобир» (шер) лақабини олган ёш ҳоким тез орада Ўрта Осиёнинг пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрини эгаллаш ҳамда ўлкада марказлашган кучли давлат тузиш мақсадида бир неча йил давом этган гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз, гоҳ голибона жанглардан кейин, 1500 йил Самарқандни иккинчи марта эгаллайди. Аммо, Самарқандга бостириб келган Шайбонийхон билан бўлган жангда енгилмади. Бир қиём лашкарлари билан 1504 йил Афғонистон мамлакатига кхириб боради. Қисқа вақт давомида Афғонистондаги қабилаларни ўзига бўйсундириб, 1508 йил пойтахти Қобул бўлган мустақил давлат тузади. 1510 йил Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан бирга шайбонийларга қарши юриш қилиб, Самарқандни эгаллайди. Аммо 1512 йил шайбонийлар билан бўлган жангда Бобир армияси енгилмади ва Қобулга келиб, бу ерда 1526 йилгача подшолик қилади. Бобир йирик давлат тузиш мақсадида 1522 йил Қаңдаҳорни эгаллайди ва бу ердан Ҳиндистонга бир неча марта хужум қилиб, ниҳоят 1526 йил Ҳиндистон подшоши Иброҳим Лудийни енгади ва Бобир Ҳиндистоннинг тарихида «Буюк мўғуллар империяси» деб ном олган Бобирийлар империясига асос




солди ва Агра шаҳрини пойтахтга айлантирди. Шу шаҳарда Бобир вафот этган. Унинг жасади Қобул шаҳридаги «Боги Бобир»га қўйилган.

Шундай қилиб, тақдир тақозоси билан Бобир Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистоннинг жуда кўп жойларида бўлган. Унинг фан ва маданиятга бўлган қизиқиши бу ҳуудларнинг тарихий географияси ва бошқа соҳаларига оид кўп маълумотлар тўплаб, асарлар ёзиб қолдирган.

Бобирнинг энг йирик асари «Бобирнома» деб аталади. «Бобирнома» Ўзбекистон, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон мамлакатларининг табиий-географик жойланиши, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси ҳақидаги биогеографик асардир. Унда Бобир ҳар бир жойнинг характерли хусусиятлари, ўсимликлари ва у ерда тарқалган ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида аниқ ва мукаммал маълумотларни баён қилади.

Фарғона вилояти бешинчи иқлимдendir.



Фарғона вилоятини Бобир шундай тасвир этган. Раҳамлар эҳсофе (ғиҷ)ни билишарди

Маъмуранинг канарасида яъни Мовароуннаҳрнинг чеккасида воқе бўлибтур. Шарқи Қошгар, ғарби

Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолда «Олмалик ва Олмагу каби шаҳарлар бор. Аммо улар мўғуллар билан ўзбеклар урушида бузулбтур, асло маъмура қолмабдур. Мухтасар (кичик) вилояттур, ошлик ва меваси фаровон. Гирдо-гирдо тоғ воқе бўлибтур. Сайхун дарёси ким шарҳ ва шимолдий тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтиб, ғарби сари оқар. Хўжанднинг шимол ўтиб яна шимолга мойил қилиб, Туркистон сари боруру. Туркистондин хейли қуйироқда бу дарё тамом қумга синпор, ҳеч дарёга қотилмас.

Анджон Фаргона вилоятининг пойтахтидур. Эли турқдур. Шаҳар ва бозорасида турки билмас киши йўқтур. Хуллас, «Бобирнома»да Фаргона вилоятининг географияси – Ўрта Осиёда тутган ўрни катталиги, аҳолиси, рельефи яъни агрофи тоғлар билан ўралганлиги, ўсимлик ва ҳайвонлари шу қадар мукаммал баён қилинганки, ҳатто ундан хозирги географияга оид маълумотлар сифатида фойдаланиш мумкин.

«Бобирнома»даги географик тасвир, ундан олдинги кўнлаб манбалардагига нисбатан анча тўғри, мукаммал ва асосли эканлиги билан диққатга сазовор. Бунга сабаб асар муаллифи географик объект ва ҳодисаларни ўзи кўриб, тасвирлаган.

«Бобирнома»даги географик тасвирлар ҳақида жуда кўп мулоҳаза юритиб, кўпгина диққатга сазовор мисолларни яна келтириш мумкин.

Тошкент–ошлиқлари мўл. Қирғовуллари кўп ва хўб мўлдир. Андижон–илвасини мўл. Ўшнинг туллари турли хил кўкатлари мўл. Бу ерда арғувон ўсади. Марғилонда кичик барча ерда учрайди. Хўжанднинг илони кўн, ёвбойи парранчалари, кийик, охуси мўл. Овга ярайдиган қўшлардан қирғовул кўн учрайди. Безгак кўп, айниқса, аҳоли кузда кўп оғрийди, жойлари ботқоқ ва нам.

Самарқандда совуқ қаттиқ. Бухорода илвасини мўл. Қаршини баҳори юмшоқ.

Афғонистон – Қобул атрофида қишда қор мўл тушади, жанубда қор мултоқо бўлмайди. Афғонистон ўрмонларида юнг қанот, товушқон; тоғларида эса каклик мўл. Какликлар қорда кўп учмай, қорга учмай беркинади. Бу ерда лола мўл.

Ҳисор, Самарқанд, Бухоро ва Мўғулистонда арчани бўлиб, молга емиш бўладиган ўтлардан энг мақбули бутадир. Ўрмонзорларида арча, зайтун, чинорлари кўп бўлади.

Ҳайвонларнинг кўпчилиги Ҳиндистон ҳайвонларига ўхшашдир. Улардан товус, тўти ва маймунларни кўрсатиш мумкин. Афғонистон ғарбида кийиклар мўл ва турли хилдир. Агар Ҳиндиқуш тоғлари туман билан қопланса, кўчувчи қушлар тоғдан ошиб ўтолмай қолади. Бундай қушлардан қарқара, турна жуда кўп тутилади. Муаллиф таноб яшаш ва у билан қуш тутиш усулини батафсил ёзади.

Сўнгра Ҳиндистон ўсимликлари усгида тўхталиб, у эндемиклар деб кўрсатади. Булардан ёвбойи ёса, себарга ва хушбўй ўтлар бор.

Ҳиндистон ҳайвоноти ҳам эндемикдир. Бу ерда тоғайли балиқлар мўл бўлиб, бари, эгли ва мазалидир. У бир қанча тур балиқ ва сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлар батафсил изоҳланган.

Қушлардан товусни изоҳлайди: у турна янглик ҳар иккала жинси бошига тожи бўлиб, унда 20-30 парлар мавжуддир, узунлиги 4-5 см дан ошади. Модаси чиройли ва узун думли бўлиб, 1,5 м гача етади. Бўйни кўк, кўркам, танаси хушбўғичим. У қирғовул сингари уча олмайди. Товуслар Ҳиндистоннинг ўрта ва жанубий қисмида кўп, тўпги мазали.

Энг кўп учрайдиган кўшлар тўтилар бўлиб, баъзилари гапга ўрнатиллади, кўпчилиги тут пишганда барча ерда учрайди. Бу йирик тўти. Ундан кичикроқ тўтилар ҳам кўп, уларни ҳам гапга ўрнатса бўлади, беш-олти мингли гапа бўлиб яшайди, чангали тўти деб аталади.

Хуллас, «Бобирнома»да Фарғона вилоятининг географияси – Ўрта Осиёда тутган ўрни, катталиги, рельефи, яъни агрофи тоғлар билан ўралганлиги фойдали қазилмалари (масалан, феруза конлари) иқлими, сувлари, шаҳарлари ва улар орасидаги масофалар, хўжалигининг характерли жиҳатлари, аҳолиси, машхур кишилари, ўсимлик ва хайвоноти шу қалар батафсил тасвирланганки, ҳатто ундан географияга оид хрестоматия материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Самарқанднинг яйлов ва экинзорларидан сўнг тарихий ва ҳашам бинолари, сўлим боғлари (Боғи Шамо, Боғи Биҳишт ва х.к.). Моварауннахрнинг бошқа шаҳар ва вилоятлари (Бухоро, Кеш – Шахрисабз, Қарши, Ғузор ва х.к.) тасвирланган.

Бобир ўзида қатта таассурот қолдирган Ҳиндистон, Афғонистон ерларини, ўсимлик ва хайвонлари ҳақида батафсил ҳамда завқ-шавқ билан тавсифлайди. «Бобирнома» даги геграфик тасвирнинг ўзига хослиги ва моҳияти ҳақида куйидаги мулоҳазалар билан чекланамиз.

«Бобирнома»даги географик тасвир, аввало ундан олдинги кўплаб манбалардагига нисбатан анча тўлиқ тўтри, мукаммал эканлиги билан диққатга сазовор. Бунинг сабаби шуки, асар муаллифи географик объект ва ҳодисаларни кўпинча ўзи кўриб-биллиб, қисман ишончли манбалар асосида тасвирлаган ва фикр юритган.

«Бобирнома» услубий жиҳатдан ҳам маълум афзалликларга эга. Биринчидан, барча вилоят ва

шаҳарлар тасвири муайян бир режада, аниқ бир тартибда (географик ўрни, рельефи, шаҳарлари ва х.к.) берилган. Иккинчидан, табиат тасвири билан хўжалик аҳоли ва шаҳарлари бир-бири билан шу қалар узвий боғлиқ ҳолда тасвирланганки, улар орасида узилиш-деярли сезилмайди. Учинчидан, «Бобирнома» умуман, тарихий-географик, ўлкашунослик, кенг маънода эса мамлакат-шунослик асари сифатида талқин қилиниши мумкин. Бунга асос шуки, муаллиф берган хилма-хил маълумотлар кўлами жиҳатидан жуда кенг бўлишига қарамай, ҳар бир шаҳар, вилоят ҳамда мамлакатнинг ўзига хос тарихий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва табиий географик жиҳатлари бир бутун ҳолда яққол бўртиб туради. Тўртинчидан, «Бобирнома»да шаҳар ва вилоятларнинг табиий тасвири қиёсий-географик усулида берилган. Масалан, Самарқанд табиати, иқлими Қобул (Ҳиндистон)га таққосланса, Қобулнинг табиати, иқлими Самарқандга қиёсланади. Бу жиҳатдан олим қиёсий-географик, усулни жуда яхши қўллаган. Масалан, Бобир Самарқанд иқлими ҳақида «Қиши маҳкам совуқдир, Қори агарчи Қобул қорича тушмас, Ёзлари яхши ҳавоси бор, агарчи Қобулча йўқтур», – деса, Қобул иқлими тўғрисида: «Қобул ҳавосидек ҳаволиқ ер оламида маълум эмаским бўлмай, Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас, қишлар агарчи қори аксар улғ тушар вале муфрит совути йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам ҳушхаволиққа машхурдир, вале мурит совуқлари борлур» деб ёзади.

Бинобарин, олим географик таққослаш усулидан жуда усталик билан фойдалана олган.

Бобирнинг ниҳоятда зийрак географ, кузатувчан табиатшунос эканлигини яна бир мисолла яққол кўринади. У Ҳиндистон билан Афғонистон табиатини ўзаро таққослар экан, улар ўртасидаги жуда қатта фарқни

яққол кўрсатади. Айни вақтда: кўплаб қушларнинг Хиндистонда ҳам, Афғонистонда ҳам тарқалганлигига эътибор беради. Бу қушлар географиясига хос ажойиб хусусият шуки, улар ҳайвонот оламининг энг ҳаракатчан қисми бўлиб, мавсумдан-мавсумга яшаш жойини ўзгартиради. Уларнинг мана шу хусусияти ҳам Бобир назаридан четда қолмаган. «Бобирнома» ўзбек географик атамаси ва топонимикаси (хатто шаҳарлар микротопонимияси) жиҳатидан катта илмий ҳазинадир. Бу жиҳатдан «Бобирнома»ни М.Қошварийнинг «Девону луғотит турк» асариги таққослаш мумкин ҳолос.

Ниҳоят «Бобирнома»нинг табиий географик аҳамияти ҳақида яна шунга айтиш керакки, асарда табиат гузааликлари эҳтирос билан битилган сатрлар ўқувчида катта эстетик завқ уйотади. Табиатни ўрганиш, сезиш ва ардоқлашга даъват этади. Бобирнинг ўзи эса ўлкамизни тасвирлар экан, унинг ҳар бир жойини яхши деб мақтайди, табиатига мафтун бўлади, хорижда уни доимо қумсаган.

«Бобирнома»нинг асосий хусусиятларидан яна бири ўлкамиз табиий ресурсларини ўрганишга оид материалларни кенг тадқиқ этишидир. Бобирнинг айтишича, ҳар ўлканинг нуфузи у ернинг табиий бойликлари билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Бобирнома»нинг иқтисодий моҳияти ҳам каттадир.

Фарона водийсининг қазима бойликлари ҳақида фикр юритар экан. Бобир бу ерда феруза, темир, мис ва бошқа маъданлар олишни кўрсатган. Бу борада Бобир шундай дейди: «Умар шох Мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мажлик таш ушбу тоғда пайдо бўлди: Пичоқ дасгаси ва таҳбан қилурлар, хейла яхши тошдир». Шу билан бирга Ришпон яқинидаги «Сангги ойна»,

«Темурбек тарихи» даги улкан тош ва лак-лак гумбаз гаройботларини изоҳлайди.

Бобир Хиндистоннинг қазилма бойликлари ҳақида гапириб, бу ерда «олтун, тоғларида эса мис бўлади».

Хиндистонни олганда, леб ёзган эди Бобир «бир машхур олмос тушди. Бу олмос тамоман оламнинг икки ярим кунлик харжига тенг ёки саккиз миққолдир» «Қизиги шундаки, машхур тарихий олмос ер юзида ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, унинг номи Кўҳинур (кўҳи-тоғ, нор-нур, тоғ нури) дир. У ҳозир Англия қиролиги қимматбаҳо тошлар коллекциясида сақланмоқда. У икки марта қирраланганлигидан 106 қаратга (222) тенг бўлиб, ҳануз ўз жозибадорлиги билан бутун инсониятни ўзига жалб қилиб келмоқда. У Хиндистон билан Англия ўртасидаги сиёсатга ҳам алоқадордир.

Бобир ўз асарида бир қанча табиий ҳолисаларни ҳам тасвирлаган бўлиб, шулардан бири зилзиладир. У 1505 йил муҳаррам ойида юз берган зилзила нагижасида тоғдан харсангтошлар кўпоририлганини, улар ўрnidан сув чиққанини, иморатлар вайрон бўлганини ва ернинг баъзи жойлари одам белигача чуқурлигида ёрилганини ёзади. Бундай зилзила табиатда тез-тез учраб турадиган ҳодиса деб тунунтирилади.

«Бобирнома» ўз моҳияти билан ўлкамиз тарихи, географияси, табиати, этнографияси ва маданияти борасидаги беқиёс манбадир.

Бобир «Бобирнома» асари билан жаҳон маданияти илм-фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўлди. Бобир ва Бобирийлар ўзларининг 350 йилдан ортиқ ҳукмронлик даврида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Хиндистон мамлакатларини йирик бир давлат остига бирлаштиришга ҳаракат қилдилар, бу эса машхур халқлар

тарихини ривожлантиришга қўшилган муҳим оламшумул хиссадир.

Бобир Ҳиндистон, Ўрта Осиё Афғонистон халқлари, уларнинг этник келиб чиқиши, хусусиятлар, урф-одатлари, тарқалиши, тили, фани ва архитектураси ҳақида тўла-тўқис маълумотлар тўплаган. Муаллиф Ҳиндистон, Афғонистоннинг диққатга сазовор жойларини, табиат манзараларини маҳорат билан ёритади ва уларни она юрти – Андижон, Фарғона билан таққослайди.

Илм-фан ва санъат тарихида Бобир ва «Бобирнома»нинг аҳамияти бекиёсдир, шу сабабли ҳам асрлар ўтишига қарамай, Бобир қолдирган мерос ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилмоқда. Жавахарлал Нерунинг фикрича, Бобир Уйғониш даврининг тишк хукмдорларидан бири, машҳур шахс, адабиёт, санъатини ўта кадрлаган, кўркмас, тадбиркор, адолатпарвар одам эди.

Машҳур шарқшунос Вамберининг таъкидлашича, Бобирнинг «Бобирнома» асари Юлий Цезарнинг «Комментария»лари сингари жаҳон адабиётинда кагта ўрин эгаллайди.

«Бобирнома» араб, форс, ҳинд, инглиз, немис, француз, голланд, турк ва рус тилларига таржима қилинган. Унинг кўпчилик нусхалари Париж, Санкт-Петербург, Калькутта, Агра, Лондон, Париж, Амстердам, Истанбул, Москва кутубхоналарида нодир асарлар қаторида сақланмоқда.

Бу асар айрим мамлакатларнинг сайёҳ ва олимлари учун муҳим аҳамияти бор. Эҳтимол рус халқларининг Ўрта Осиё табиатини ўрганишида ҳам муҳим рол ўйнаган бўлса ажаб эмас.

## ГУЛБАДАНБЕГИМ

Гулбаданбегим Заҳриддин Муҳаммад Бобирнинг тўнғич кизидир. У 1522 йили Қобул (Ҳиндистон) шаҳрида туғилган. Унинг онаси Солиҳа Сулгон бегим Сарой аёллари орасида Дилдор бегим номи билан юритилган. Гулбаданбегимнинг кагта акаси Хумоюн ва унинг онаси, яъни Бобирнинг энг доно ва билимдон хисобланган хотини Моҳамбегим тарбиясини олган ва улар билан Агра шаҳрига кўчиб келган. Гулбаданбегим, отаси Бобир вафот этганда 8 ёшда бўлган, ёшлигидан хат-савад эгаллагани, чечанлиги, билимга сержаваслиги, серфаҳмлиги, идроклиги каби хусусиятлари билан ўрта аср Шарқидаги бирдан-бир тарихчи аёлдир.

Бобир вафотидан кейин ўғли Хумоюн кўп йиллар мобайнида гоҳо подшоҳлик қилган, гоҳо сарлардон бўлиб юрган. Хумоюн 1156 йилда вафот этган, ундан кейин ўғли Жалолиддин тахта ўтириб, давлат ишларини йўлга қўйган. Жалолиддинни улуглаб, Акбаршоҳ деб атаганлар. Акбаршоҳ олим ва шоирларга, бобоси Бобирни ва отаси Хумоюнни кўрган-билганлар улар тўғрисида ва ўз подшолиги ҳақида асар ёзишни топширган. Шу мувосабат билан бошқалар қатори Гулбаданбегим ҳам «Хумоюннома» номли тарихий-биографик асар ёзган. «Хумоюннома» 1585-1587 йилларда ёзилган тарихий-географик асар бўлиб, «Бобирнома»нинг давоми деса бўлади.

Гулбаданбегим асарида 140 гача жойнинг номи зикр этилган. Фарғона, Андижондан то Қошғар ва Ҳинд океани бўйларигача қандай аҳоли пунктлари, вилоятлар, дарёлар ва тоғлар борлигини ёзган.

Гулбаданбегим 1575-1582 йилларда Маккага зиёрат қилган. Шу сафарда кўп машаққатлар чекан, у 1603 йилда яъни 80 ёшида вафот этган.

## МУҲАММАД ХАЙДАР МИРЗА

Муҳаммад Хайдар Мирза Дуғлот 1499 йил Тошкентда туғилган. Унинг онаси Хуб Нигорхоним Бобирнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним тошкентлик Юнусхоннинг қизларидир. Шундай қилиб, Хайдар Мирза Бобирга ҳолаватча бўлади. Хайдар Мирзанинг отаси – Ҳусайн Қўрагон Тошкент ва Ҷрағела ҳокими бўлган, 1508 йилда Шайбонийхоннинг буйруғи билан Хиротда қаги қилинган. Шундан кейин ёш Хайдарни ҳам ўлдирмоқчи бўлишганда отасининг дўстлари Хайдарни Бухородан Қобулга яширишга олиб келиб, Бобирга топширганлар. Шу-шу Хайдар Мирза Бобир ёнида бўлган, кейинчалик бошқа қариндошлари билан биргаликда ва мустақил равишда Қашқар, Ёрқент, Оқсув, Мутулистон, Тибет, Ҳиндистон, Кашмир ерларида яшagan ва турли вазибаларда ишлаган.

Хайдар Мирза Кашмир вилоятини бошқарар экан, айни вақтда, катта илмий ва бадиий ижод билан ҳам шуғулланган. 1541-1547 йиллар кейинчалик, унга катта шухрат келтирган, машҳур «Тарихи Рашидий» асарини ёзиб тулаган. Асар икки қисмдан ibораг: биринчи қисми – хоналар тарихи, иккинчи қисми – Хайдар Мирзанинг кўрган-билган тафсилотлари.

Хайдар Мирзанинг фаолияти тўғрисида «Тарихи Рашидий» асарида кўп маълумотлар бор. Бу асарни Хайдар Мирза Қашқар ва Ёрқент ҳокими Абдурашидхона (Абдурашидхон ибн Султон Саидхон ибн Юнусхон) бағишлаб ёзган.

Шарқнинг тарихчи ва географлари (Амин Розий, Фарихта, Хофиз Таниш Бухорий ва бошқалар)нинг ҳамда хозирги замон шарқшунослари-нинг таъкидлашича, бу китобда ниҳоятда зўғри, аниқ ва қизиқарли маълумотлар ёзилган.

Хайдар Мирзанинг географик савияси ҳақиқатан кенг бўлган. Унинг «Тарихи Рашидий» асарида географияга доир хилма-хил маълумотларни топамиз. Асарда XVI асрдаги турли географик тушунчаларга изоҳлар берилган, вилоятларнинг чегаралари ва майдони аниқ рақамлар билан кўрсатилган, ернинг юзаси, сувлари, ҳайвонот дунёси, аҳолиси, йўллари, савдо-сотгани баён этилган. Шундай маълумотлардан мисоллар келтирамиз.

Хайдар Мирза даврида (XVI асрнинг биринчи ярмида) Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий катта қисми - Ёгтисув ва Шимолий ҳамда Марказий Тяньшань «Мутулистон» хонлигига қараган. «Тарихи Рашидий» да Хайдар Мирза ўлкамизнинг ана шу қисмини табиати ва аҳолини батафсил тасвирлаган бўлиб, бу асар муҳим географик аҳамиятта эгадир.

Хайдар Мирзанинг Тяньшань тоғлари орогидрографияси ҳақидаги тасавури ўзига хос. У Тяньшанни «Мутулистон тоғлари» деб атайди ва бу тоғ системасининг умумий йўналиши ҳамда асосий тармоқлари ҳақида тўғри маълумотлар беради. Хайдар Мирза Тяньшан тоғинигина эмас, балки Олой тоғлари, Сарикқўл тизмаси ва Помир орографиясини ҳам анча яхши билган. Гап шундаки, Европада бу сатрлар ёзилгандан 300 йил кейин, яъни XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам Тяньшан тоғининг йўналиши ва конфигурацияси ҳақида нотўғри маълумотлар сақланар эди. Ҳатто жаҳон географияси классиклари Александр фон Гумболдт ва К.Рихтгофен XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг шарқий қисмида меридионал йўналишидаги қандайдир «Болор» тизмаси ҳақида ёзганларки, бу ҳақиқатга асло тўғри келмайди. Тяньшан ва умуман Ўрта Осиё тоғлари-нинг тўғри орогидрографик схемаси XIX аср охириларидагина машҳур рус сайёҳи ва географлари П.П.Семёнов - Тяньшанский, И.В.Мушкетов ва Н.А.Северцовлар томонидан мустақил равишда қайта яратилди. Бу ҳол Ўрта Осиёдаги ўрта аср географик

тасавурлари билан янги давр географик тасавурлари ўртасида узвий алоқадорлик бўлмаганлигидан далolat беради.

«Тарихи Рашидий»даги жойларнинг иқлим ва бирмунча юксак савияда ёзилган. Буни Помир тоғлиги ва Қашқар иқлими таърифидан билиш мумкин. Хайдар Мирзанинг ёзишича, Қашқарнинг ёзи жазирама иссиқ, киши эса қаттиқ совуқ (яъни кескин континентал) дир. Хавоси соф, латиф, танга даво (шифобахш), бироқ қаттиқ шамол ва шамол турганда чанг губори бор.

Қийсий режада берилган бу таъриф жуда тўғри бўлиб, айни вақтда Қашқар иқлимининг континенталлиги жихатидан Ўрта Осиё иқлимга ўхшашлигини билдиради. Ўрта Осиё тоғлари ва Еттисувнинг гидрографик тасвири қизиқарли ва мукаммал. Асардаги икки қатга сув хавзаси - Балхаш билан Иссиқкўл ҳақидаги табиий географик маълумотлар айниқса диққатга сазовор.

Муаллифнинг ёзишича, Еттисув дарёларининг кўли «Кўкча денгиз» яъни Балхашга қуйилади. Унинг бу кўл ҳақидаги икки маълумот айниқса муҳим: биринчиси - Бахашнинг оқимсиз кўл эканлиги, иккинчиси - сувининг чучуклиги. Маълумки, Балхаш кўли ўзига хос географик ажойиботдир, унинг шарқий ярми - шўр, ғарбий кенг қисми эса чучукдир. Хайдар Мирзанинг XVI асрда бу кўл сувининг ёшпасига чучук дейиши жуда муҳим факт. 1903 йил махсус экспедиция уюштириб Балхаш кўлини ўрганган атоқли географ Л.С.Берг Балхаш сувининг ғарбий қисмида сув чучук эканлигидан лол қолган ва ҳатто ўзига ишонмай, Балхаш сувини анализ қилиш учун Петербургда юборган. Анализлар ҳам бу сувининг ҳақиқатан жуда тоза ва чучук эканлигини исботлаган. 1930 йил бу кўлни яна чуқур тадқиқ этган Л.С.Берг Балхаш суви яқин тарихий даврларда ҳам ёшпасига чучук бўлган, деган гипотезани ўртага ташлади. Хайдар Мирзанинг юқоридаги сатрлари эса академик Л.С.Берннинг бу гипотезаси тўғри эканлигини исботловчи муҳим далилдир.

Хайдар Мирза Қирғизистондаги Иссиқкўл бўйларини ҳавас билан кезган ва жуда усталик билан тасвирлаган: шунча сувки, Иссиқкўлга кирадилар, ҳаммаси ширин ва латифдир. Иссиқкўлга кирмоқлик билан ул мартабада аччиқ бўладирки, муғлако таҳорат олоғли бўлмайди. Агар қатра сув кўзга ё оғизга тегса (ачич) пайдо бўлади. Аммо ниҳоятда соф, покиза сувдир. Атрофи ниҳоят лағофатлиқдир. Дарахтлар, шукуфалар, туллар кўлдир. Бағоят хуш-ҳаводир, тоғ-дашгларида хийик, ранго-ранг қушлар ва жаниворлар тўладир».

Иссиқкўлга кўпгина дарёлар қуйилгани ҳолда ундан бирорта ҳам дарё оқиб чиқмаслиги яъни «оёғи ҳеч ерга чиқмаслиги» иккинчи мартаба айтилган хулосадир. Холбуки, Иссиқкўлнинг оқар жойини XIX асрда ҳам излаганлар: ҳатто Чув дарёси шу кўлдан чиқмаётганимкин деб, унинг эски ўзанларини тошмоқчи бўлганлар. Ваҳоланки, «Тарихи Рашидий»нинг куйидаги сатрларида XVI асрнинг ўрталаридаёқ бу муаммо узил-кесил Хайдар Мирза томонидан ҳал қилинган.

«Иссиқкўл (гир атрофи) 20 кунли йўлдир. Аммо бу Иссиқкўлнинг аёғи ҳеч ерга чиқмайди. Чунки тўрт атрофи тоғдир. Шунча сувки, Иссиқкўлга кирадир, ҳаммаси ширин ва латифдир».

Хайдар Мирзанинг бирдан-бир сақланиб қолган «Тарихи Рашидий» асарида Ўрта Осиё шаҳарлари географияси ва топонимикасига оид ҳам жуда қизиқарли маълумотлар бор.

Хайдар Мирзанинг асарида Тибет вилояти тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган боблари ҳам диққатга сазовордир.

«Тибет» андоғ жойга тушибдики, аксари ҳалойиқнинг қадами ул жойга етмабдур. Чунки Тибетнинг йўли мушқул ва қаттиқликда ҳалди ниҳоятги йўқдир. Чорак Тибат йўли батамом аксари тоғлар, хагарнок давонлар, ниҳоят, совуқ суви ва чорва алафи, ўтини ниҳоят оздир. Ул жихатдан соҳиби тарихлар Тибатга қадами

етмай, Тибат вилоятининг ўзга вилоятга ўхшаш, равшан шарҳ қилмабдилрлар.

Тибат вилояти шимюли-гарбдан жануб-шарққа қараб чўзилган ва у ўз бошидан оёғига 8 ойлик йўлди. Эни бир ойликдан зиёд эмасдир ва ўн кунликдан кам эмас. Тибат ҳамма жойидан баландроқ ерладир ва зероки, унинг суви ҳамма ерга борадир...»

Дарҳақиқат, Тибет энг баланд тоғлиқдир, шу сабабдан у ҳамма ерга сув беради, яъни асосий сувайирғиқдир. Тибетнинг бу хусусияти ҳозирги замон табиий географиясида алоҳида уқлириб ўтилади. Бу асарда Тибет тўғрисида ёзилган маълумотлар хали ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Хулоса қилиб айтсак, Хайдар Мирза Ўрта Осиё табиатини анча яхши ўрганган сайёҳ ва олимлардан бири бўлиб, унинг асари XVI аср географиясининг катта ютуқларидан бири бўлиб, кейинги давр геотра-фиясининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлиги билан алоҳида аҳамиятта эғдир. Шунинг ҳам айтиш ўринлики, Хайдар Мирзанинг «Тарихи Рашидий» асарининг энг аҳамиятли томони, ўрта асрнинг унғача ўтган сайёҳ ва олимлари Ўрта Осиёнинг гарбий, марказий ва жанубий қисмларини яхши тасвирлаганлар. Аммо шарқий, айниқса шимолий-шарқий тоғли қисми ва Еггисув табиати ҳақидаги тасавурлари чалқаш, узук-юлуқ маълумотлардан иборат эми. Хайдар Мирза ўз давридаёқ Тяньшань ва Еггисув худудлари географиси тарихидаги бу чалқашликларга бир қадар барҳам берган.

Муҳаммад Хайдар Мирза 1551 йил Капширдаги маҳаллий қабилалар билан бўлган жангла ҳалок бўлган.

## ХОФИЗ ТАНИШ БУХОРИЙ

XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошларида яшаб ижод қилган бухоролик тарихчи ва ўлкашунос Мир Муҳаммад Хофиз Таниш Бухорий. Унинг энг муҳим тарихий географик асари XVI аср охирида ёзилган «Шарафномаи шохий» асаридир. Бу асар Бухоро хони Абдуллаҳон II шинг (1533-1589 йй.) тарихига бағишланганлиги учун у асар «Абдулланома» деб ҳам юритилади. Асар 1584-1591 йиллар орасида ёзилган.

Бу асар тарихий-географик нуқтаи назардан муҳимдир, чунки асарда, XVI асрдаги Ўрта Осиёнинг тарихий географияси, қишлоқлари ва шаҳарлари баён этилган бўлиб, харбий юришлар, жанг майдонлари, турли катта-кичик қалъалар ва бошқа кўп географик объектлар шундай таърифланганки, у таъриф ҳозирги замон типидати илмий-тадқиқотларга ўхшайди. Шу асарда Мовароуннаҳрга бағишланган географик жиҳатлардан айрим парчалар келтирамыз.

Мовароуннаҳрнинг асосий қисми бешинчи иқлимдадир. Унинг узунлиги гарбда Хоразмдан бошланади ва Жазоирни Холидотдан тўқсон беш даража бўлиб, шарқи Қашғар ва Хўтан вилоятигачадир. Мовароуннаҳрнинг шимолий чегараси олтинчи иқлимдадир. Унда жами турклар мамлакати бўлган Олмалиқ ва Боласоғун бор. Мовароуннаҳрнинг жанубий тарафи Амударё бўлиб, у Мовароуннаҳр билан Хуросон ўлкалари ўртасидадир. Мовароуннаҳрнинг гарбдан шимолга туташган тарафида Дашти Қичоқ, Ўзбек мамлакати ва Туркистон жойлашган. Мовароуннаҳрнинг масофаси, тахминан энгла юз, узунига 240 фарсоҳдир (Шунда эни 600-800 км, бўйи тахминан 1500-1900 км.га

тўғри келади). Баъзилар Мовароуннахр мамлакати икки сув: бири Жайҳун, иккинчиси Сайхур орасида деб атайдилар...

Мовароуннахрнинг шарқий чегараси, жанубга мойил (бўлган) томонидан Панжоб мавзеи ва Бадахшон тоғларидир. Унинг шимолига туташган тарафи Қошғар вилояти ва Хўтандан то Муғилистон чегараларигача. Уйгур замини ҳам унга дахлдор.

Мовароуннахрнинг баъзилар шундай таърифлайдилар. Унинг тарафлари ноzi неъмат хусусида мамлакатларнинг энг ободидир. Ундаги хоҳ шаҳар бўлсин, хоҳ қишлоқ бўлсин, хоҳ текисик бўлсин, хоҳ ўтлоқ бўлсин ободонликда унга тенг келадиган мамлакат йўқ. Ҳаюси ҳаволарнинг энг муссаффоси, суви-сувларнинг энг ширини ва энг енгилди, суви унинг барча тоғ ва апрофлариди баравар шириндир. Унинг тупроғи-тупроқларнинг энг хушрўйи (Х.Хасанов, Ҳофизии Абрў, Хайдар Мирза, Филипп Ефремов 1964 йил 186-190 бетлар).

Тарихчилар Мовароуннахр ҳақида қуйидагиларни ҳам ёзганлар: «У ерда бир тоғда гор бор, гордан бир булок қайнаб оқиб турлади, қишда шу қадар иссиқ бўладики, унга тушган киши ҳароратига бардош беролмайди. Ёзда шу қадар салқин бўладики, музлаб қолади. Туркистон билан Мовароуннахр ўртасидаги тоғда бир хил қора тош бор: кўмирга ўхшаб ёнади. Уни эшакларга ортиб шаҳарларга келтирадилар. Шаҳар халқи уни сотиб олади. Ёндирилганда кули оқ бўлади. Уни кийим ва саллани оқартиришда ишқор ўрнида ишлатадилар».

Мовароуннахр шаҳарларининг тасвифида шoirларнинг кўп байтлари ва саноксиз шеърлари бор. Улардан баъзилари мана булар.

«Мовароуннахрнинг кўрки-тўрт томонида жойлашган тўрт шаҳардир.

Уларни ҳар бири кўркли жаннатдан ҳам яшироқдир.

Биринчи-илму фазл манбаи бўлган Бухоро, унинг тупроғи Рум ва Чин мамлакатларига фаҳрлидир.

(Иккинчиси)-салтанат ўрни ҳазрат Самарқанд. Шон-Шарафда бошқа шаҳарларга нисбатан узундек, тоғда эса кўздекдир.

Улардан сўнг авлиё ва саҳобалар макони Термиз, Жаҳондаги оқар сувлар гайр қиладиган дарё лабидадир.

(Тўртинчиси) ишрат жойи, поклик мавзуи, сўфийлар макони (Хўжанд).

Унинг четидан жаҳон бошланади».

Умуман Ҳофизии Бухорийнинг «Абдулланомма» асари замондошларининг асарлари каби тарихий географик ўлкашунослик типига бўлиб, хилма-хил маълумотларни қамраб олганлиги билан характерлидир.

## АБДУЛГОЗИХОН

Хоразмлик Абдулгозихон Араб Муҳаммадхон ўғли XVII асрнинг иккинчи ярми буюк тарихчиси, давлат арбоби, Хевада 23 йил хукм сургач, ўзи ҳам хон авлодларидан бўлиб, тарих, тиббиёт, адабиётда анча иқтидорли билимдон киши бўлган. Хива хони сифатида мамлакатда феодаал тарқокликни тутатиш ва мамлакат мустақиллигини таъминлаш юзасидан катта фаоллик кўрсатган Абдулгозий Баҳодирхон (1603-1664 йй.) айни вақтда катта илмий фаолият билан ҳам шуғулланиб, етук тарихчи олим сифатида шукрат қозонган. Унинг 1661 йил ёзиб тамомлаган «Шажараи Тароқима», яъни «Турклар шажараси» номли эски ўзбек тилидаги йирик асарида туркларнинг афсонавий подшоши Ўғузахон, унинг авлодлари (шажараси) ва улар замоннда бўлиб ўтган воқеалар, туркман уруғлари яшаган жойларнинг табиати фоннда ёритилган.

Абдулгозий Баҳодирхон умрининг охирида ёзган иккинчи йирик тарихий ва географик асари - «Шажараи турк» яъни «Туркий халқлар ва мўтиллаар тарихи»дир. Асарда мўтил ва турк хукмдорларининг XIII-XVII асрлардаги тарихи, айниқса Хива хонлигининг муаллифи яшаган даврдаги тарихи кенг географик маълумотлар билан биргаликда баён этилган.

Олимнинг бу асари билан танишган китобхон асар муаллифининг Ўрта Осиё географияси ҳақидаги тасавури анча кенг ва мукаммал эканлигига ишонч ҳосил қилади. «Шажараи турк»да 280 га яқин жой номларининг тилга олинганлиги ҳам Баҳодирхон ҳудудий-географик тасавурнинг кўлами анча кенг эканлигидан далолат беради.

Иккала асар ҳам географик маълумотларга бой. Муаллиф жуда кенг масофани Хитойдан Мисргача бўлган барча мамлакатларни бирин-кетин таърифлаган. Мўглистон ва Ўрта Осиё ерларининг география-сини батафсил изоҳлаган. «Шажараи тароқима» асарида 110 тача географик ном тилга олинган бўлса, шулардан 56 таси ҳар иккала асарда ҳам учрайди.

Абдулгозихон асарлари терминология ва транскрипция жиҳатидан ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу асарлардан юзлаб географик ном ва атамаларининг XVII асрда ўзбекча қандай ёзилганини билиб олиш мумкин. Масалан, Туркменистоннинг жанубий тоғлик қисми (Хуросон-дан Астрободгача) - тоғ бўйи деб, Хоразм, Урганч ва Аму агрофлари эса дарё бўйи деб юритилган.

Машхур тиб олими Убайдулло Муҳаммад Юсуф Баёний «Мен-у кишининг (Абдулгозихоннинг) «Манافий ал инсон» деган тибга оғда бир форсча таснифларини кўрдим.

Хозир Шарқшунослик институтида бу асарнинг ўзбек тилидагиси мавжуд (инв.№ 4701).

Китоб тўрт бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда яқка ҳолда ишлагиландиган ҳамда мураккаб дорилар ҳақида фикр ва мулоҳазалар баён қилинади. Иккинчисида касалга даво бўладиган мураккаб дорилар, учинчисида эса, касалга даво бўладиган умумий дориларга тўхталади.

Асарнинг тўртинчи бўлими бошқалардан фарқли, бунда тибга алоқали олим ва ҳакимларнинг фирк ва насихатлари, донишмандларнинг ҳикматли сўзлари баён қилинади. Текширувчиларнинг фикрича, Ўрта асрларда энг содда ўзбек тилида ёзилган асарлардан бири «Бобирнома» бўлса, иккинчиси Абдулгозийнинг «Шажараи турк» китобидир. Унинг кўп асарлари рус ва бошқа чет тилларига ҳам таржима қилинган, улардан

катта-катта монографияларда, хусусан Ўзбекистон ва Туркمانистон тарихи китобларида фойдаланилган.

Абаулгозиннинг «Шажараи тарокима» асарини А.Н.Кононов русчага таржима қилиб комментарий ва асл тексти билан бирга чоп қилган. Асар номи: («Ромословная туркмен» Сочинении Абул Газихана Хивинского, М-Л. 1958). Шу асарнинг сўз бошида муаллиф Абаулгозиннинг тарихий асарлари ва таржимаи ҳоли ҳақида муфассал ёзган.

## АҲМАД ДОНИШ

Аҳмад Ўрта Осиё маданияти тарихида (XIX аср) ўзининг олимлиги билан шўҳрат қозонган ҳаттот, муаллим, астраном, географ, философ, дипломат ва давлат арбоби.

«Дониш» - Аҳмаднинг алабий таҳаллуслдир. Унинг калласи катта бўлганлиги учун Садриддин Айнийнинг таъкидлашича, Аҳмад Калла деб юритишар экан.

Бу йирик маърифатпарвар 1827 йили Бухорода тутилган. Ёшлик чоғларидаёқ илмга қаттиқ берилиб, адабиёт, табobat, рассомлик, мусикачилик каби бир неча соҳалардан хабардор олим бўлиб етишади.

Аҳмад Дониш 1856 йилда Бухоро амири элчилари билан Петербургга борди. Бу саёҳат мутафаккирга ижобий таъсир кўрсатади. У яна икки марта Петербургга борганлиги маълум, у ерда рус маданияти билан танишади, Москвада бўлади.

Аҳмад Дониш курилиш ва миробликда моҳир бўлганлиги учун «Мухандис» деб ҳам атаганлар. Аҳмад дастлаб онасидан хаг-савод ўрганган, болаликданоқ китобларга иштиёқлиги баланд бўлган, чизмакорликка қизиқиб, лойдан турли шакллар чизиб, буюмлар ясаган. У шоирлар, ҳикоянавоз, аскиябоз ва дostonчилар даврасида ўзини эркин сезган. Мадрасада ўқиган даврида асосан ҳаттотлик билан кун кечирган. Амир саройида ҳаттот ва рассом вазифаларида ишлаган.

Аҳмад Донишнинг энг кўп ижодий фаолияти география фанига таллуқлидир.

Аҳмад Дониш астрономияга доир рисоаларни фаннинг XIX асрдаги ютуқларига асосланиб ёзган, Гелиоцентрик назария, ернинг шарсимонлиги, ер

бағрининг сирлари, зилзила ҳақидаги маълумотлари бу асарларда баён этилган. Унинг саёхатлар ва уларнинг фойдаси, болаларга меҳнат тарбиясини бериш, шунингдек ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги ҳикоялари қизиқарлидир.

Аҳмад Дониш – Бухоро шаҳрининг каттагина схематик плашини чизган, бу планда шаҳарнинг барча дарвозалари, кўча ва ариқларининг номларини ёзиб қўйган (тарих фанлари доктори А.Мухаммаджонов бу схема-планини топиб таҳлил қилган).

Аҳмад Донишнинг энг машҳур асари «Наводирул вақое» (Нодир воқеалар)дир. Бу асарнинг Тошкент нусхаси (қўлёзма № 2095). Асарда муғаллифнинг ота-онанинг болалари билан бўладиган муносабати, болаларни назорат қилиш, давр қози-уламларининг кирдикорлари, ноз-неъматларнинг моҳияти, қолноғ тарихи, севги ва муҳаббат моҳияти, руҳнинг моҳияти ва унинг жисм билан алоқаси каби ҳаёт масалаларни ўртага ташлаб, буларга оид фикр ва мулоҳазаларини билдириб кетади. Ундан кейин Аҳмаднинг «Таржимай аҳвали амирони Манғития» («Мангит амирларининг тарихи») деган асари ҳам бор. У бу асарда амирнинг халқ билан давлат аппаратида ишлайдиган амалдорлар, ҳарбийлар билан муносабати қандай бўлиши, ҳокимият ишларини қайси усулда олиб бориши кераклиги каби тартиб-интизом ҳақида фикр юритади.

Аҳмад Дониш аниқ фанларга оид ҳам бир нечта асар ёзгани маълум. Шарқшунослик институтида унинг «Жадвали соати тулуъ ва ғуруби шамс» («Кун чиқиш ва ботиш соатлари жадвали» №5095), «Тақвими соли асб» («От йилининг календари» инв № 5095), «Рисола фи амали курра» каби асарлари сақланади. Унинг ўз кули билан ёзган яна бир «Фаровонди мутафакқира дар илми нуҷум» (инв. № 2247/IV) номли асари ҳам бор.

Аҳмад ўзининг бу соҳадаги асарларида табиат ҳодисаларини илмий асосда англашни ўртага ташлайди. Бир шакли, сайёралар ҳаракати, кўёш тугилиши, ер қимирлаши каби табиат ҳодисаларини кузатиб, улар ҳақида ўзининг қимматли мулоҳазаларини қолдирган. Садриддин Айний Аҳмаднинг бир гал ой тугилишини олдинроқ одамларга айтгани, улар олдин бунга ишонмай, сўнгра томга чиқиб кузатишгани, ой тугилгандан кейин, Аҳмад фалон вақтда тугилиши тўхтайдми, дегани ва ўша вақтда воқеа Аҳмад Дониш айтганидай бўлганлигини хикоя қилади. Донишнинг бу фикрига одамлар хайратда қолган.

«Ой ва кўёш тугилиши илоҳий бир иш эмас, – деб ёзади олим, – балки табиий, қонуний бир ҳолатдир, у фақат фазода сайёралар ҳаракатларининг ўзгариши натижасидадир. Сайёралар ҳаракатини билган одам ой билан кўёшнинг тугилишини олдиндан айта олади».

Ўша даврда диний мутаассиблар Аҳмадни ҳатто «кофир»га ҳам чиқариб қўйишган. Лекин у руҳонийларни, амир ва унинг амалдорларини қаттиқ танқид қилган.

Аҳмад Дониш Ўрта Осиё халқининг кейинги асрларда етишган йирик вакили, олим ва мутафакқирларидир. У кишиларни илм-фанга чорлади.

## ҲОКИМХОН ТўРА

XIX аср бошларида Наманганда яшаган Ҳожи Мухаммад Ҳокимхон тўра валад Сайид Маъсумхон Маъмула ўғли, қисқача Ҳокимхон тўрадир. У, саёҳатлар тарихига ажойиб саҳифа ёзган, тили ўткир, дили шўх, қадами чаққон, зеҳни баланд, олим ва адиб, сайёҳликни ўзинга касб қилган ўзбекдир.

Ҳокимхон Наманган ҳокими экан, қароргоҳи Тўрақўтонда эди. Шу вақтда Қўқон хони билан чиқишмай қоладигу, Ҳокимхоннинг ўлдирилиш ҳавфи туғилди. Шунда Ҳокимхон «Ҳожига кетиш» баҳонаси билан Фарғона водийсидан бир илож қилиб қочадида, Шохдон орқали Тошкентга келади.

Шундан бошлаб, 1824-1830 йиллар орасида, «Етти йил гурбат лиёрида юриб, саёҳат қилади ва «Мунгаҳаб ут-тавориш» номли асар ярагади».

Ҳокимхоннинг бу асари 1843 йилда ёзилган бўлиб, хозир Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 5 та нусхаси бор (инв № 592). Қўлёзма тожикча бўлиб, Қўқонлик домулло Мухаммад Амин 1843 йилда кўчирган нусхадир.

Инв. № 1560, ўзбекча нусхаси, 1878 йилда кўчирилгандир. Қўйдаги парчалар ўзбекча вариантдан олинди.

Унда, аввало Шарқнинг тарихи баён этилган. Ўрта Осиё тарихи, айниқса, Фарғона тарихи анча мукамил ёзилган. Қўқон хонлигининг тарихи 1843 йилга келиб (Оталиқхоннинг вафоти билан) тамомланган. Энг охирида эса муаллифнинг саёҳати ва саргузаштлари баён қилинган.

Қўйда сайёҳнинг географияга оид ёзган маълумотларидан намуна келтирамыз.

Сайёх Қозоғистондаги Бетбақдала даштидан ўтар экан, уни шундай тасвирлайди:

«Бадбахт деган даштга кирлуқким, филвоқе бадбахт эрди. Тиканилари нишгари обдон масалликим, оёқ босқон ҳамон оёқдин қолур эрди. Уч кеча ва уч кундузлик ерда мутлоқо сув мавжуд эмас эрди. Ҳар ким ўзига еткурлик сувни ўз тавасига юклаб юрурди. Ва сувни андоғ қадри бор эдики, бир қагга сув юз коса оби ҳаётдин қадрлироқ эди. Кулон ва булон деган ваҳший от ва оху андоғ тўла эрдики, қарвонийлар ўтарга йўл топмас эдилар.

...Ул вақтда ҳаво бу даражада иссиқ эдики, сувсизликдин ул дашт ваҳшийлари чала-чала йиқилиб ўлуб ёгур эрдилар».

Ҳокимхон Ўрғиш дарёси бўйидаги Семипалагинск шаҳри (қозоқча Семей, ўзбекча Шамай вилояти)га келиб тўхтади. «Чин дарёси ул жанубдин келур эрди. Шаҳар қаноридин ўтар эрди, Мардум кашги (кема) бирлан ўтарларди. Бу дарёнинг интиҳоси Баҳри Азимга (океанга) қуюлардур.

Ғарбий Сибирь шаҳарларига «Фарғона ва Моварауннаҳрдин қўшлар тижорат учун анда бориб Қозоқиядан уйланиб, тургун бўлиб қолибдурлар. Ва алардин фарзанллар вужудга келибдур. Аларни чала қозоқ дерлар».

Ҳокимхон Ирбит ярмаркасида ҳам бўлган, Ирбит бозорида «Ҳар иқлимдин тужжор мавжуд. Алалурус Мовароуннаҳр оламидин кўпроқ эрди, кўриб хурсанд бўлиб, шуқурлар қилдим».

Яъни, Ўрта Осиёлик савдогарлар Ўралдаги Ирбит ярмаркасига қўлиб моллар келтириб сотар эканларки, бу ҳам бир томондан ўзбек ва тожикларнинг анча

жаҳоншанга эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Ўрта Осиё билан Россиянинг савдо-сотиқ алоқалари дурустгина бўлганлигига мисолдир.

Сайёх «бенихоя улуғ дарё Эдилдан» Волга дарёсидан кечиб, Ашгархон ва Шимолий Кавказдан ҳам ўтиб, Қора денгизга етди. У дарёни Шўр деб атайдди.

Дарёси шўр: «ул дарё эрди, на таги бору, на поёни. Айтибдурларки, Рум (Туркия) султонларининг бари дарёнинг (денгиз) қаърини билурга фармон айладдики, таноб этсунлар. Чун таноб солиб, лангарини кўюб юбордилар. Минг беш юз газ таноб эрди, ерга етмади».

Яъни, Қора денгизнинг чуқурлигини ўлачаб кўрмоқчи бўлганлар, арқонга лангар боғлаб туришганлар. 1500 газ (тахминан 1200 метр) арқон денгиз тубига етмаган.

Ҳакимхон Мисрда бир йилча турган ва у ерда бир неча ўзбек муҳожирлари билан учрашиб, аўслагшан.

Нил дарёсида суза туриб, бир кунги жирафани кўриб қолган. «Ҳабаш вилоятининг бир азим жирафа деган бир хайвон келтурдиларки, ани борасида уштар гов фаланг дерлар. Хайвонат ичнда ажойиб махлуқларки, сурати бағоят беназирдир. Икки оёғи узун ва икки оёғи қисқа ва бўйини узун. Ани баёз гардани ўзга ҳайвонотда йўқдир ва кўзалари оху кўзига ўхшар ва думи ҳўкуз думига ўхшар ва икки шох ўрнига тождурки, гўё қаро ипақдин ясалгандек, бағоят нозик ва бадани андоғки, бир каф ери рангдек қизил ва бир каф ери оқ. Ва ул хайвоннинг хўраги сўт эркан».

Сайёх Қизил денгизда кемада кезар эди, қагтик бўронга учраган. «Андоқ шамол бўлдиким, Нух алайҳиссалом тўфонларидин намуна эрди. Кемачилар шамол кирмай тургон хужрага кириб карталарини олдига кўюб қарар эди. Ул (карта) тахтама қоғоздурки, тамом денгизлар тасвири тортиглик».

Сўнгра Ҳакимхон Арабистондан Шомга, ундан Ироққа ўтган. Бағдодда «ҳар кун Шомдан сўнпроқ Дажла лабига чаролон сайри учун келур эрдим». Кейин Эрон ва Афғонистондан ўтиб, Амударёдан кечиб, Шахрисабзга етган. Етти йиллик гўрбат, ажойиб ва гаройиб кузатишлар тамом бўлган.

«Мунтахаб ул-таворих» асарида Ўзбекистонга доир географик маълумотлар ҳам анчагина бор. Масалан, Ҳакимхон 1823 йили бутун Фарғонада юз берган зилзилани ўзи кўрган. Унинг таърифлашича, зилзила шу қадар даҳшатли бўлганки, ҳеч замон бу сингари қимирлашни кўрмаганлар ва эшитмаганлар. Кўпгина уйлар вайрон этилган, талай кишиларни том ва девор босиб қолган. Одамлар қамишдан чайлалар қуриб туришган. Тоғларда кўпгина хонадонларни ер ютган, ер ёрилиб, ичдан қора бут туриллаб чиққан. Сой ва ариқларнинг суви қозондаги сингари қайнаб кетиб, кўчаларга оққан. Олти ой мобайнида тупроқ тебраниб турган.

Ҳакимхон Тўранинг асарига тарихчилар тоқсақ баҳо берганлар. «Ўзбекистон халқлари»да бу китобни Ўрта Осиё ва Фарғона тарихига оид катта асар, Қўкон хонлиги даврида яратилган энг ажойиб китоб дея эътироф этилган. География нуқтан назарилан эса бу асарда ёритилган Ўрта Осиё географик адабиётининг саргузашт-саёхатларга мисол бўлади.

## ТЕСТЛАР

1. Муҳаммад Хоразмийнинг туелган йилини белгиланг.  
А) 847 йил деб тахмин қилинади  
Б) 780 йил деб тахмин қилинади  
В) 680 йил деб тахмин қилинади  
Г) 580 йил деб тахмин қилинади
2. Хоразмийнинг географияга оид машҳур асарини белгиланг.  
А) «Байт ул-хикма»  
Б) «Сурат ал-урз»  
В) «Жазира ал-жавҳар»  
Г) «Жавҳар тошлар ороли» ёки «Ёқут ороли»
3. Хоразмийнинг «Сурати ал-арз» асари қардан ва қачон телинган?  
А) Бағдоддан 1868 йил  
Б) Испаниядан 1858 йил  
В) Хоразмдан 1848 йил  
Г) Қоҳирадан 1878 йил
4. Хоразмий қерда вафот этган?  
А) Хоразмда  
Б) Хиротда  
В) Бағдодда  
Г) Қашқарда
5. Аҳмад Фарғоний печатчи асрда яшаб ижод қилган?  
А) VIII-IX асрлар  
Б) IX-X асрлар  
В) X-XI асрлар  
Г) XI-XII асрлар
6. Аҳмад Фарғоний илмий тадқиқот ишларини қайси шаҳарларда олиб борган?  
А) Фарғона, Куба шаҳарларида  
Б) Куба, Андижон шаҳарларида  
В) Бағдод, Дамашқ шаҳарларида  
Г) Фарғона шаҳарида

7. А.Фарғоний қайси олим тузган юлдузлар жадалини тузатишга эришган?

- А) Герардони  
Б) Крачковский  
В) Голланд арабшуноси Яков Голмусни  
Г) К.Птоломейни
8. Аҳмад Фарғонийнинг фан тарихида қанча аҳамиятга эга асарини белгиланг.  
А) «Усули илм нужум» (Астрология фани усуллари)  
Б) «Астрономияга кириш» (Маҳал ан-нужум)  
В) «Миқёси жаид»  
Г) «Фн санъат ва устурлаб»
9. Фөробий қерда, қачон туелган?  
А) Тошкент яқинидаги Фарух қишлоғида, 843 йилда  
Б) Тошкент яқинидаги Фардан қишлоғида, 853 йилда  
В) Бағдод шаҳрида, 863 йилда  
Г) Тошкент яқинидаги Фароб қишлоғида, 873 йилда
10. Фөробий табиий фанлардан қайсылари билан маъсус шуғулланган?  
А) География, кимё, зоология фанлари билан  
Б) Тарих, фалсафа, картография фанлари билан  
В) Алхимия, ботаника, минерология фанлари билан  
Г) Астрология, мусика, математика фанлари билан

11. Фөробий физиологиянинг бирламчи ва иккитламчи сизноа системасига қилдан олдин асос солган?

- А) Платондан олдин асос солган  
Б) Аристотелдан олдин  
В) К.Птоломейдан олдин  
Г) И.М.Сеченовдан олдин
12. Фөробий қачон ва қерда вафот этган?  
А) 750 йилда Тошкент яқинидаги Фароб қишлоғида  
Б) 650 йилда Хоразмда  
В) 850 йилда Бағдодда  
Г) 950 йилда Дамашқда
13. Абу Райҳон Беруний қачон ва қерда туелган?  
А) 583 йил Хоразмда

- Б) 683 йил Урганча  
 В) 783 йил Бухоронинг хозирги Беруний туманида  
 Г) 973 йил Хоразмнинг Кот шаҳри яқинида
14. Беруний Хоразмда қандай илмий макон барто қилган?  
 А) Хоразмда «Донолар уйи» ташкил қилган  
 Б) Хоразмда «Донишмандлар уйи» ташкил қилган  
 В) Бағдодда «Фанлар академияси» ташкил қилган,  
 кейинчалик «Мамъун академияси» деб аталган.  
 Г) Хоразмда «Фанлар академияси» ташкил қилган,  
 кейинчалик «Мамъун академияси» деб аташган.
15. Берунийнинг қайси асарида астрономия, география,  
 картографик билimler уйғунланган?  
 А) «Отари боқия» асарида  
 Б) «Қонуни Масъудий» асарида  
 В) «Геодезия» асарида  
 Г) «Китобу фи тасвиҳ ас-сувор ва табтиҳ ал-қувор»  
 («Карталар ва ер шарни юзасини билиш китоби») асарида
16. Берунийни қайси асарида Урта Осиё, Хуросондаги 85  
 та шаҳарларнинг координатасини кўрсатган?  
 А) «Геодезия» асарида  
 Б) «Картография» асарида  
 В) «Қонуни масъудий» асарида  
 Г) Уларнинг барчасида
17. Ибн Сино қайда қачон тузилган?  
 А) 780 йил Бухоро шаҳрида  
 Б) 880 йил Хоразм шаҳрида  
 В) 980 йил Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида  
 Г) 1037 йил Самарқанда шаҳри яқинидаги Афшона  
 қишлоғида
18. Ибн Сино қайси билим ўйлининг фаол олиммига айланган  
 А) Бухоро «Донолар уйи»нинг  
 Б) Самарқанда «Донишмандлар уйи»нинг  
 В) Хоразм «Мамъун академияси»нинг  
 Г) Уларнинг барчасини
19. Ибн Сино минералларни қандай гуруҳларга ажратган?  
 А) Тошлар, металллар гуруҳи
- Б) Металлар, тузлар гуруҳи  
 В) Олтингуругли ёнувчи жинслар, тузлар  
 Г) Тошлар, металллар, олтингуругли ёнувчи жинслар,  
 тузлар гуруҳи
- 20.. Ибн Синонинг 1000 йиллиги қачон ва қайси  
 мамлакатларда нишонланган?  
 А) Бухоро шаҳрида 1960 йилда  
 Б) Самарқанда шаҳрида 1970 йилда  
 В) Хоразм шаҳрида 1975 йилда  
 Г) Барча мамлакатларда 1980 йилда
21. Маҳмуд Қошғарий қайси асрда тузилган?  
 А) VIII асрда  
 Б) VII асрда  
 В) IX асрда  
 Г) XI асрда
22. М.Қошғарийнинг шўхрат келтирган асари «Девони  
 муғолиш тюрк» қайда ёзилган?  
 А) «Бағдодда» ёзилган  
 Б) «Хоразмда» ёзилган  
 В) «Қошғарда» ёзилган  
 Г) Урта Осиёда ёзилган
23. Қошғарий асарида географик атамаларни география  
 фанининг қайси соҳасига оидлигини белгиланг?  
 А) Иқтисодий географияга оид  
 Б) Регионал географияга оид  
 В) Умумий Ер билимига оид  
 Г) Табиий географияга оид
24. М.Қошғарий доирасий дунё картасида қайси ҳудуд анча  
 тўғри кўрсатилган?  
 А) Дунёдаги барча географик объектлар  
 Б) Европа тўғри кўрсатилган  
 В) Ўзбекистон ҳудуди тўғри кўрсатилган  
 Г) Урта Осиё ҳудуди тўғри кўрсатилган  
 25. Улуғбек қачон, қайда тузилган?  
 А) 1391 йил Самарқанд шаҳрида  
 Б) 1392 йил Бухоро шаҳрида

- Б) 683 йил Урганча  
 В) 783 йил Бухоронинг хозирги Беруний туманида  
 Г) 973 йил Хоразмнинг Кот шаҳри яқинида
14. Беруний Хоразмда қандай илмий макон барто қилган?  
 А) Хоразмда «Донолар уйи» ташкил қилган  
 Б) Хоразмда «Донишмандлар уйи» ташкил қилган  
 В) Бағдодда «Фанлар академияси» ташкил қилган,  
 кейинчалик «Мамъун академияси» деб аталган.  
 Г) Хоразмда «Фанлар академияси» ташкил қилган,  
 кейинчалик «Мамъун академияси» деб аташган.
15. Берунийнинг қайси асарида астрономия, география,  
 картографик билimler уйғунланган?  
 А) «Отари боқия» асарида  
 Б) «Қонуни Масъудий» асарида  
 В) «Геодезия» асарида  
 Г) «Китобу фи тасвиҳ ас-сувор ва табтиҳ ал-қувор»  
 («Карталар ва ер шарни юзасини билиш китоби») асарида
16. Берунийни қайси асарида Урта Осиё, Хуросондаги 85  
 та шаҳарларнинг координатасини кўрсатган?  
 А) «Геодезия» асарида  
 Б) «Картография» асарида  
 В) «Қонуни масъудий» асарида  
 Г) Уларнинг барчасида
17. Ибн Сино қайда қачон тузилган?  
 А) 780 йил Бухоро шаҳрида  
 Б) 880 йил Хоразм шаҳрида  
 В) 980 йил Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида  
 Г) 1037 йил Самарқанда шаҳри яқинидаги Афшона  
 қишлоғида
18. Ибн Сино қайси билим ўйлининг фаол олиммига айланган  
 А) Бухоро «Донолар уйи»нинг  
 Б) Самарқанда «Донишмандлар уйи»нинг  
 В) Хоразм «Мамъун академияси»нинг  
 Г) Уларнинг барчасини
19. Ибн Сино минералларни қандай гуруҳларга ажратган?  
 А) Тошлар, металллар гуруҳи

- В) 1393 йил Эронда  
Г) 1394 йил Султоноия (Эрон) шаҳрида
26. Улуғбекка шўхрат келтирган асари қандай номлар билан аталади?
- А) «Зиж», «Зижи жадиди Қўрағоний»  
Б) «Зижи Улуғбек»  
В) «Зижи Султоноия»  
Г) Уларнинг барчаси билан юритиледа.
27. Улуғбек шаҳарларининг кенглигини қардан бошлаб ҳисоблаган?
- А) 0° меридиандан  
Б) Соодот оролларида  
В) Гринвичдан ўтган Меридиандан  
Г) Экватордан
28. Улуғбек қачон ва қим томонидан ўлдирилган?
- А) 1446 йил Абулаатиқ томонидан  
Б) 1447 йил Абулазиз томонидан  
В) 1448 йил Аҳмад томонидан  
Г) 1449 йил Аббос томонидан
29. Али Қўнич қачон туғилган ва уни қамолотга етишига қим сабабчи бўлган?
- А) 1400 йил, Ибн Сино сабабчи бўлган  
Б) 1401 йил, М.Қошғарий сабабчи бўлган  
В) 1402 йил, Улуғбек сабабчи бўлган  
Г) 1403 йил, уларни барчаси сабабчи бўлган
30. Али Қўчининг ёшлиги қарда ўтган ва нима учун шу наҳалусни олган?
- А) Самарқанда ўтган, қарчигай қўшлар боққани учун  
Б) Самарқандада ўтган отаси Улуғбек саройда қарчигай қўшлар боққани учун  
В) А ва Б вариантлари тўғри  
Г) Тўғри жавоб йўқ
31. Али Қўчили нима учун “XV аср Батлимуси (Птоломейни) деб аташган”?
- А) Астрономик асарлар ёзгани учун  
Б) Математик асарлар ёзгани учун

- В) Географик, картографик асарлар ёзгани учун  
Г) Жавобларнинг барчаси тўғри
32. Али Қўчи географ сифатида қандай ишлар қилган?
- А) Ернинг экватор узунлигини аниқлаган  
Б) Ернинг ҳаракати ҳақида фикр берган  
В) Ер шарини гарбдан шарққа томон ҳаракат қилиши ва Ой ва Кўёш тугилишини  
Г) Юқоридаги барча таъқиқот ишларини қилган
33. Заҳриддин Бобир қачон туғилган ва печа ёшида Фарғона вилояти ҳокими бўлган?
- А) 1479 йил 12 ёшида  
Б) 1480 йил 13 ёшида  
В) 1481 йил 14 ёшида  
Г) 1483 йил 12 ёшида
34. Бобирнинг «Бобирнома» асари қандай кинилар учун аҳамиятли?
- А) Географлар учун  
Б) Табиатшунослар учун  
В) Тарихчилар учун  
Г) Барча фан эгалари учун

35. Бобир ўз асари «Бобирнома»да қайси асар ҳақида муқаммал маълумотлар берилган?
- А) Ҳиндистон ҳақида  
Б) Ўрта Осиё ҳақида  
В) Фарғона водийси ҳақида  
Г) Афғонистон ҳақида
36. Бобирнинг «Бобирнома» асарининг аҳамияти
- А) Афғонистон, Ҳиндистон табиати ўрганишда  
Б) Ўрта Осиё географияси ўрганишда  
В) Ўлкамиз тарихи, географияси этнографияси, табиати маданиятини, ўрганишда  
Г) Буғун дунё мамлакатларининг тарих, географик, этнографик ва бошқаларини ўрганишда
37. Гулбадибеғим қим, қачон ва қарда туғилган?
- А) Бобирнинг тўнғич қизи, 1522 йил Қобулда тутилган

- Б) Бобирнинг тўнғич невараси, 1523 йил Агра шаҳрида туғилган  
 В) Бобирнинг кичик қизи, 1522 йил Самарқандда туғилган  
 Г) Тўғри жавоб йўқ.

38. Бобир *ефотидан* кейин қимматли ким подшолик қилган?

- А) Гулбаданбегим  
 Б) Хумоюн  
 В) Жалолидин  
 Г) Акбаршоҳ

39. *Гулбаданбегим қандай асар ёзган?*

- А) «Гулбаданбегим» номли асар  
 Б) «Хумоюннома» номли асар  
 В) Тўғри жавоб келтирилмаган  
 Г) А ва Б жавоблар тўғри

40. *Гулбаданбегим қандай ном билан машҳур бўлган?*

- А) Дилдорбегим номи билан  
 Б) Дилбарбегим номи билан  
 В) Ҳар икки (А, Б варианты) ном билан  
 Г) Фақат А варианты тўғри

41. *Мухаммад Хайдар Мирза қачон, қаерда туғилган?*

- А) 1496 йил, Хиротда  
 Б) 1495 йил, Ҳратепеда  
 В) 1496 йил, Хайдарободда  
 Г) 1499 йил, Тошкентда

42. *Хайдар Мирза Ўрта Осиёнинг қайси қисм орографиясини тўғри таврифлаган?*

- А) Шимолий қисмини  
 Б) Ғарбий қисмини  
 В) Жанубий қисмини  
 Г) Шарқий қисмини

43. *Ўрта Осиё орографияси ҳақида қайси табиатшунос олимлар ёзган?*

- А) К.Рихтгофен  
 Б) Хайдар Мирза, П.П.Семёнов  
 В) Гумболдт, Марков  
 Г) Барчаси

44. *Балхаш суёнининг чуқурлигини қайси олим дастлаб ёзган?*

- А) Гумболдт  
 Б) Рихтгофен  
 В) Берг  
 Г) Хайдар Мирза

45. *Хофиз Таниш Бухорий қайси асрларда яшаб ижод қилган?*

- А) XVI аср охирида  
 Б) XVII аср ўрталарида  
 В) XVI аср ўрталарида  
 Г) XVI аср охири ва XVII аср бошларида

46. *Таниш Бухорий асари қандай ном билан аталган?*

- А) «Шарафнома шоҳий»  
 Б) «Абдулланома»  
 В) Юқоридагиларнинг жер-иккиси билан  
 Г) Бундай асар ёзмаган

47. *Таниш Бухорий «Шарафнома шоҳий» асарида Ўрта Осиё ҳақида нималарни ёзган?*

- А) Тарихий географияси  
 Б) Шаҳарлари, ҳарбий юришлари, кўприклар  
 В) Қишлоқлари, жанг майдонлари, қалъалари  
 Г) Уларнинг барчаси ҳақида ёзган

48. *Хофиз Таниш Бухорий Ўрта Осиёнинг қайси ҳудудлари ҳақида мукаммал маълумотлар ёзган?*

- А) Самарқанд, Моваруннаҳр ҳақида  
 Б) Ўрта Осиёнинг тарихи ҳақида  
 В) Ўрта Осиёнинг географияси ҳақида  
 Г) Уларнинг барчаси ҳақида

49. *Абдулғозитон Баҳодирхоннинг «Турклар шаҳараси» номи асарида нималарга катта эътибор берган?*

- А) Туркларнинг афсонавий подшоҳи Ҳузхон  
 Б) Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар  
 В) Уруғлар, қабилалар, жойларнинг табиати  
 Г) Уларнинг барчасига эътибор берган

50. Абдулғозихон «Шажаран турк» асарида Урта Осиёнинг қайси қисми хонлиги ҳақида ёзган?

- А) Бухоро хонлиги тарихи географияси
- Б) Хива хонлиги тарихий географияси
- В) Қўқон хонлиги тарихий географияси
- Г) Барча жавоб тўғри

51. Абдулғозихон Урта Осиёдаги қайси хонликда ҳукум сурган?

- А) Қўқон хонлигида
- Б) Бухоро хонлигида
- В) Ҳар иккисини ҳам
- Г) Фақат Хива хонлигида

52. Абдулғозихоннинг қайси асарида географик маълумотлар кенг ёритилган?

- А) «Шажаран турк» асарида
- Б) «Шажаран тароқима» асарида
- В) Ҳар иккала асарида
- Г) Фақат «Шажаран турк» асарида

53. Аҳмад Донни қачон тузилган?

- А) 1872 йилда
- Б) 1827 йилда
- В) 1826 йилда
- Г) 1825 йилда

54. Аҳмад Донни Петербургда қачон борган?

- А) 1852 йилда
- Б) 1853 йилда
- В) 1855 йилда
- Г) 1856 йилда

55. Аҳмад Донни қайси шаҳарнинг режасини чизган?

- А) Самарқанд
- Б) Хива
- В) Бухоро
- Г) Барчаси

56. Аҳмад Донни ўзининг асарларида нима ҳақида кўп ёзган?

- А) Қурилиш ҳақида

- Б) Мироблик ишлари ҳақида
- В) Мухандислик ишлари ҳақида
- Г) Табиат ходисалари ҳақида

57. Ҳокимхон Тўра қил бўлган ва қаерда тузилган?

- А) Сайёх, тарихчи, Самарқандда тутилган
- Б) Тарихчи, Бухорода тутилган
- В) Сайёх, тарихчи, ёзувчи, Наманганда тутилган
- Г) Ёзувчи, тарихчи, Наманганда тутилган

58. Ҳокимхон Тўрани «Мултаҳиб ул-таворих» асарида қайнинг тарихи мукаммал ёзилган?

- А) Урта Осиё тарихи
- Б) Наманган тарихи
- В) Қўқон тарихи
- Г) Юқоридагиларнинг барчаси

59. Ҳокимхон Тўра қаерларда сайёҳат қилган?

- А) Қозоғистон, Урта Осиё
- Б) Ғарбий Сибир, Кавказ
- В) Миср, Арабистон, Эрон, Афғонистон
- Г) Юқоридагиларнинг барчасида

60. Ҳокимхон Тўра қаерда, нечанчи йил бўлган зилзилани таърифлаб ёзган?

- А) Бухорода, 1822 йил бўлган зилзила
- Б) Самарқандда, 1821 йил бўлган зилзила
- В) Хоразмда, 1820 йилда бўлган зилзила
- Г) Фарғонада, 1823 йилда бўлган зилзила

## ХУЛОСА

Маълумки, VIII-XX аср бошларигача ўтган давр мобайнида Ўрта Осиёда кўп сайёх-олимлар етишиб чиқан. Улар узундаг-узоқ ижодий йўлни ўтиб, илмий масалаларга доир юзлаб асарлар ёзиб қолдирганлар, география фанининг юзата келиши ва ривожланишига беқиёс хисса қўшганлар.

Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Махмуа Қошғарий, Улутбек Ўрта Осиёда география фанининг тараққиёт йўлини бошлаб берган улуғ сиймолардир. Улар математик география (зижлар тузиш, карталар чизиш), тасвирий география (саёхатномалар, айрим мамлакатларнинг таърифи, йўлномалар, тарихий географик асарлар ёзиш), табиий география бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказиш, топонимика, аҳоли ва қабилалар географияси ҳамда лутат тузиш билан шуғулланганлар. Ўрта Осиё на бошқа айрим мамлакатларнинг география ва табиатшунослик фани илмий даражаси жиҳатидан дунё фанининг энг илгор даражасига кўтарилган.

VIII асрдан XIX аср бошларигача ўтган даврда яратилган тарихий-географик ва астрономик-географик асарларда муаллифларнинг баъзи маълумотларини бир-биридан кўчириши, баъзан таржима қилиши, қисқача шарҳ ёзиши, улуғларга эҳтиром ва ишонч билан эртагиши каби ҳодалар бўлаганлиги кўриниб турибди. Аммо ҳар бир муаллиф ўз асарига ўз замонидagi янги тарихий, табиий ва иқтисодий маълумотларни, ўлкашунослик янгликларини қўшган ва ўз саёхатномаларини баён этган.

XIX аср ва XX аср бошларида Ўрта Осиёга саёхат қилган, унинг табиатини хозирги замон фани талабларига мувофиқ равишда тадқиқ қилган рус географлари А.И.Бугаков, П.П.Семёнов-Тяньшанский, А.П.Федченко, А.Ф.Миддиндорф ва бошқаларни ҳам Ўрта Осиё фанига хизмат қилган олимлар қаторига киритиш мумкин.

XIX аср ўрталарида Қозоғистон ва Қашқар вилоятида бир қатор экспедицияларга қозоқ олими Чўқан Валихонов бошчилик қилган. Э.М.Мурзаев, А.И.Соловьев, А.А.Азатъян,

З.Н.Донцов, Р.Л.Югай, Р.Очилов, У.Обидов ва бошқаларнинг асарларида юқорида айтилган олимларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти батафсил баён этилган. Шунингдек, Ўрта Осиё республикаларидаги географ-олимларнинг хизматлари М.Қориев, А.Хисомов, О.Мўминов, Р.Раҳимбеков, И.Иноғовларнинг тадқиқотларида ҳам таъҳил қилинган.

Ўрта осийлик олимларнинг асарларидаги географик таърифлар бир китобга жам қилинса, Ўрта Осиёнинг табиий ҳамда иқтисодий географияси, яъни унинг географик ўрни, тоғлари, сув ҳавзалари, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёлари, хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги, ички ва ташқи савдоси, аҳолиси, топонимикаси, шаҳарларнинг топографияси, асосий йўллари ва масофалари тўла равишда маълум бўлади.

Уларнинг асарларида хусусан табиий географияга оид маълумотлар жуда мукаммал ва қизиқарли қилиб ёритилганки, хозирги географлар қойи қолмай иложи йўқ.

Ўтмишдаги алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий меросини эътибор билан таъқидий ўрганиш хозирги маданиятимизни тарихий маълумотлар билан бойитиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хукуматиимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли хозирги даврда фан, маданият ва маориф жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ўзбекистонда Фанлар академияси, илмий текшириш институтлари, олий ўқув юртлиари, обсерватория ва картография муассасалари янги босқичда ташкил этилмоқда. Йирик олимлар, жонқуяр тадқиқотчилар етишиб чиқмоқда. Эндилликда фан соҳасида буюк ишлар қилиниб, ер бағри сирлари секин-аста очиб боришмоқда, шунингдек чўллар, тоғлар ўзлаштирилмоқда, янги қазилма бойликлари топилмоқда.

Ушбу қўлланмада узоқ даврлик илмий тарихимизнинг жуда қисқа баёни ёритилди холос. Тадқиқотчиларнинг кўзи тушмаган ва қўли тегмаган қадимги, тарихий қўлёзмалар ва номлари тилга олинмаган буюк сиймоларимиз ҳали кўплаб топилади. Келгусида ўрта осийлик географлари, сайёҳлар, табиатшуносларга ва илмий қўлёзмаларга бағишлаб жуда кўп асарлар ёзилади, деган фикрдамиз.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абидов У. Географическое изучение Ферганской долины (в конце XIX – начале XX вв) // Тр. XXIV научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1982. – Деп. в ВИНИТИ. № 5851-82 С.55-62.
2. Абидов У. А.Ф.Милдендорф и вопросы орошаемого земледелия Ферганской долины // Тр. XXV научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1984. – Деп. в ВИНИТИ. № 74-64-84 С.28-34.
3. Абидов У. К истории изучения Ферганской долины арабскими учеными (VIII-XVI вв) // Тр. XXIV научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1985. – Деп. в ВИНИТИ. № 57-В 86-С.63-71.
4. Абидов У. Основные этапы истории географических исследований природных ресурсов Ферганской долины (с древнейших времен до наших дней) // Тр. XXIX научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1986. – Деп. в ВИНИТИ. № 2897-Б 88. С.4-13.
5. Абидов У. Географические исследования Ферганской долины в начале XX в. (1900-1917гг) // Тр. XXX научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1987. – Деп. в ВИНИТИ. № 5711-В С 4-11.
6. Ал Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей. Перевод А.М.Беленицкого, Л., 1963.

7. Аболин Р.И. Основы естественно – исторического районирования Советской Средней Азии // Тр САГУ. Сер. ХП-а. География – 1929 – Вкп.2.
8. Азатьян А.А. Выдающиеся исследования природы Средней Азии (вторая половина XIX в) – Т 1964 – ч.1.
9. Архенгельский А.А. Верхнемеловые отложения Туркестана // Тр. Гео. Комит. Нов. Сер. -1916 вкп.151
10. Антошко Я.Ф. История географического изучения земли. М., 1953.
11. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Спб., 1900
12. Бартольд В.В. История Туркестана. Т., 1922.
13. Бягулин Н.Я. Сборник сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Л. Изд-во. Ан СССР 1951.
14. Великие учёные Средней Азии и Казахстана. Олмаота тўлами, «Козогистон» нашриёти, 1965.
15. Демитриева В.Л. Шварц О.В. Геологические и гидрогеологические условия Ферганской котловины // Ирригация и гидротехника – Т., 1936. – №2
16. А.Ирисов ва бошқалар. Ўрта Осиёлик қирқ олим. Т., 1961.
17. М.Исҳоқов. «Хоразм Маъмур академияси ва унинг дунё ғилми-фани тараққиётидаги ўрни» ўқув курси бўйича маърузалар матн. Т., 2007
18. Клямберг Н.В. Почвы Узбекской ССР. –Т., Изд-во. Ан Уз.ССР. 1949.
19. Ланне О.К. Ферганская котловина // Геология Узбекской ССР. Л-М., 1937. Т.10.
20. Магидович И.П. Магидович Я.П. Очерки по истории географических открытий М., 1982. 1985 (том. 1-2-3-4-5).
21. М.Расулов. Ўрта Осиё табиатушуслик фанлари тарихи. Т., 1993.
22. Р.Раҳимбеков ва бошқалар. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи. Т., 1982.
23. Очилов А.М. Идеи взаимосвязи географических компонентов и развитие природы в трудах исследователей

## АДАБИЁТЛАР

1. Абилов У. Географическое изучение Ферганской долины (в конце XIX – начале XX вв) // Тр. XXIV научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1982. – Деп. в ВИНТИ. № 5851-82 С.55-62.
2. Абилов У. А.Ф.Миддендорф и вопросы орошаемого земледелия Ферганской долины // Тр. XXV научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1984. – Деп. в ВИНТИ. № 74-64-84 С.28-34.
3. Абилов У. К истории изучения Ферганской долины арабскими учеными (VIII-XVI вв)// Тр. XXIV научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1985. – Деп. в ВИНТИ. № 57-В 86-С.63-71.
4. Абилов У. Основные этапы истории географических исследований природных ресурсов Ферганской долины (с древнейших времен до наших дней)// Тр. XXIX научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1986. – Деп. в ВИНТИ. № 2897-Б 88. С.4-13.
5. Абилов У. Географические исследования Ферганской долины в начале XX в. (1900-1917гг) // Тр. XXX научной конференции аспирантов и молодых специалистов по истории естествознания и техники. Секция истории геолого-географических наук. – М., 1987. – Деп. в ВИНТИ. № 5711-В С 4-11.
6. Ал Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей. Перевод. А.М.Беленицкого, Л.,1963.
7. Аболин Р.И. Основы естественно – исторического районирования Советской Средней Азии // Тр САГУ. Сер. XII-а. География – 1929 – Вкл.2.
8. Азатьян А.А. Выдающиеся исследования природы Средней Азии (вторая половина XIX в) – Т 1964 – ч.1.
9. Архентальский А.А. Верхнемеловые отложения Туркестана // Тр. Гео. Комит. Нов. Сер. – 1916 вкл.151
10. Антошко Я.Ф. История географического изучения земли. М.,1953.
11. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Спб., 1900
12. Бартольд В.В. История Туркестана. Т., 1922.
13. Бичурин Н.Я. Сборник сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Л.Изд-во. Ан СССР 1951.
14. Великие учёные Средней Азии и Казахстана. Олмаота тўлами, «Қозоғистон» нашриёти, 1965.
15. Демитриева В.А. Шварц О.В. Геологические и гидрогеологические условия Ферганской котловины // Ирригация и гидротехника – Т., 1936. – №2
16. А.Ирисов ва бошқалар. Ўрта Осиёлик кирк олим. Т., 1961.
17. М.Исҳоқов. «Хоразм Маъмур академияси ва унинг дунё илм-фани тараққиётидаги ўрни» ўқув курси бўйича маърузалар матни. Т., 2007
18. Кимберг Н.В. Почы Узбекской ССР. –Т., Изд-во. Ан Уз.ССР. 1949.
19. Ланге О.К. Ферганская котловина // Геология Узбекской ССР. Л-М., 1937. Т.10.
20. Магидович И.П. Магидович Я.П. Очерки по истории географических открытий М., 1982. 1985 (том. 1-2-3-4-5).
21. М.Расулов. Ўрта Осиё табиатунослик фанлари тарихи. Т., 1993.
22. Р.Раҳимбеков ва бошқалар. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи. Т., 1982.
23. Очиллов А.М. Идеи взаимосвязи географических компонентов и развитие природы в трудах исследователей

- Средней Азии (вторая половина XIX – нач. XX вв.) Дис. канд. Географ. Наук. – 1972
24. С.П.Толстов. По следам древнехорезмийской цивилизации, М.-Л., 1948, стр.267.
25. Ритгер К.К. История земледелия открытий СПб. 1864.
26. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. М., 1980.
27. Сулганов Ю. Природные условия и физико-географическое районирование южного горного обрамления Ферганы. Дис. Канд. Геогр. Наук. – Киев, 1965.
28. У.Обидов. Тарихий география (тарих йўналиши учун). Махрузалар матни. Ф., 2001.
29. У.Обидов. Мактаб ўлкашунослиги. Услубий кўлланма (география йўналиши учун). Ф., 2001.
30. Тарихий география (Муаммоли махрузалар матни). Ф., 2004.
31. У.Обидов. Шахарлар географияси (Услубий кўлланма). Ф., 2004.
32. У.Обидов. Тарихий географиядан услубий кўлланма (тарих йўналиши учун). Ф., 2006.
33. У.Обидов, А.Жабборов. Мактаб ўлкашунослигидан услубий кўлланма (география йўналиши учун). Ф., 2006.
34. Умуразаков С., Очерки по истории географических открытий и исследований Киргизии. Фрунзе, 1959.
35. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан СПб., 1875
36. Федина В.Н. Как создавалась карта Средней Азии. – М., Наука, 1967.
37. Хасанов Х. Ўрта Осиёлик географ сайёҳлар. – Т., 1964.
38. Х.Хасанов, О.Бўриев. Ал-Хоразмий географияси. Т., 1983.
39. Х.Хасанов. Сайёҳ олимлар. Т., 1981.
40. Х.Хасанов. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. Т., 1983.
41. Югай Р.Л. История развития географических и картографических представлений о пустыне. – Кызыл-Кум. Т., 1966.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Муҳаммад Хоразмий.....	5
Аҳмад Фарғоний.....	12
Форобий.....	16
Абу Райҳон Беруний.....	22
Ибн Сьно.....	34
Маҳмуд Қошғарий.....	43
Улугбек.....	51
Али Қулчи.....	55
Заҳридин Муҳаммад Бобир.....	60
Гулбаданбегям.....	69
Муҳаммад Ҳайдар Мирза.....	70
Ҳофиз Таниш Бухорий.....	75
Абдулғозихон.....	78
Аҳмад Дониш.....	81
Ҳокимхон Тўра.....	84
Тестиар.....	88
Хулоса.....	98

*Илмий-услубий нашир*

Усмонжон Обидов

## ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА АЛЛОМАЛАРИМИЗ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ

Масъул муҳаррир:

Ю. Султонов

Муҳаррир: С. Хасанов

Тех. муҳаррир: С. Жўраев

Дизайнер: У. Жабборов

Мусаххих: Т. Акбарова

*Босишга рухсат этилди: 2007 й. 21.06. Нашриёт босма  
табоғи – 6,5. Шартли босма табоғи – 6,25.*

*Бечима 84x108 ч/м. Адаби 100 дана. Бурчлма № 51.  
Басма келишмаги нарҳда.*

«ФАРҒОНА» нашриёти.

150114, Фарғона шаҳри, Сохобхирон Темур кўчаси, 28.

«ФАРҒОНА» нашриётининг ижарадаги

«Қирғули-Полиграфчи» УК босмахонасида чоп этилди.  
Фарғона шаҳри, Қирғули даҳаси, Фарғона кўчаси, 6.